



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 12-sentabr • № 37 (4280)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

“КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди томонидан тайёрланган “Ким эдигу ким бўлди” номли бадиий-публицистик тўплам кучи кеча “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилди.

Ёзувчилар уюшмасида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар, адабиёт-шунос олимлар, жамоатчилик вакиллари ва талаба ёшлар иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қисқача кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:

— Ватанимиз байрамлар юртига айланиб борапти. Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб, кўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани барчамизга ўзгача гурур бағишламоқда. Юртимизда энг замонавий корхоналар қурилиши бўладими ёки фарзандларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда энг юксак ўринларни забт этишлари — бу каби хабарлар биз учун оддий кундалик воқеаларга айланиб қолди. Мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омилли ва мезонини, биринчи навбатда, халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан ўзвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Муҳтарам Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлди” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бошғоя сифатида белгилаш лозимлиги


алоҳида таъкидланган эди. Ушбу қарор эълон қилинган, Ёзувчилар уюшмасида “Ким эдигу ким бўлди” номли китоб яратиш фикри пайдо бўлди. Ижодкорлардаги кўтаринки руҳ ва катта иштиёқ туфайли мазкур маъму дунёга келди. Чиндан ҳам, биз кеча ким эди-у, бугун ким бўлди? Неча ўн йиллар мобайнида не-не тарихий шаҳарларнинг ҳам тор кўчалари-ю, одмигина биноларига кўзимиз кўникиб қолганди. Яқин ўтмишдаги ҳаётимизга бир қур назар солиб, ҳозирги кун билан солиштирсак, юртимизда амалга оширилаётган улкан микёсли ислохотлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, бу саволга жавоб топишимиз мумкин. Китобга киритилган шеър ва мақолаларда бугуннинг нафасини ҳис қиласиз. Замондошлар билан ҳамдард, ҳамқадам бўласиз, уларнинг жасорат ва шукроналикка лиммо-лим қиёфаларини кўрасиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, барчани янги китоб билан қутларкан, бу

Тақдимот

китобда халқимизнинг меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, миришкорлик каби бобомерос фазилатлари бадиий акс этганини таъкидлади, эндиликда мардлик, жасорат, фидойилик, эътиқод сингари юксак сифатларимизни тавсиф этувчи китоблар ҳам ёзилишига ишонч билдирди.

— Наманган шаҳридаги 2-сонли академик лицей битирувчиларидан жуда кўпчилиги жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юртларида тахсил олишаркан — дейди таниқли ёзувчи Аҳмадхон Мелибоев. — Жумладан, бутун дунёга машҳур Оксфорд университетига биргина шу лицейнинг 5 нафар собиқ ўқувчиси қабул қилинган. Бундай ютуқлардан ҳайратланмай, фахрланмай ва илҳомланмай бўладими? Яқин-



дагина бу каби ишлар бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик. Бугун буюк ўзгаришларни кўриш учун олисларга бориш шарт эмас. Негаки юртимиздаги ҳар бир манзил-масканда бекиёс бунёдкорликлар, янгилар юз берапти. Бинобарин, озод Ватани, ўтмиши буюк, бугуни фаровон, келажаги саодатли халқнинг орзу ва мақсадларини, бекиёс имкониятларини дунёга тараннум этишга ҳар бир истеъдод соҳиби ўзини масъул, деб билади.

Шунингдек, тадбирда адабиётшунос олим Аҳмадхон Алимбеков, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матқубовалар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Жумладан, ушбу китоб кенг китобхоналар оммаси билан бирга ўқувчи-талабаларга ҳам етказилса, мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Ватанимизнинг бугунги ёлқинли тарихи акс этувчи “Ким эдигу ким бўлди” сингари бадиий-публицистик тўпламларни эндиликда ҳар йили Истиқлол байрами арафасида чоп этиришга қарор қилинди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Чиндан ҳам шундай. Кўнгида бир олам орзу ва пок мақсад билан яшаган одамлар ҳамиша юртининг тинчлиги, фаровонлиги хусусида ўйлайди. Ўз меҳнати билан Ватанга хизмат қилиш нечоғлик улуг саодат эканлигини теран ҳис қилади. Айниқса, юртимиз бўйлаб сафарга чиққанингизда ҳар жабҳадаги ўзгаришларни кўриб қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади. Фарғона сафари ҳам менга ана шундай кайфият бағишлади.

ШУНДАЙ ЎЛКА ДОИМ БОР БЎЛСИН!

Барча шарт-шароитлар яратилган меҳмонхоналардан берида Корейдан келган меҳмон билан танишиб қолдим. Саломалиқдан сўнг ҳамсуҳбатим:

— Юртингизга учинчи бор келишим, — дея сўз бошлади. — Илгари Самарқанд ва Бухорони томоша қилиб кетгандим. Бу гал эса Хива ҳамда Фарғонага сайёҳат қилишни режалаштирганман. Хоразмга бориб келдим. Хивани очик осмон остидаги музей деганларича бор экан. Эртақлар оламига кириб қолгандек бўлдим. Фарғонага келганимга ҳам уч-тўрт кун бўлди. Бу жойларнинг табиати бирам гўзал. Одамларнинг ҳушмуомалалиги жуда ёқди. Кўк ва Фарғонадаги кўп таърих тарихи обидаларни томоша қилдим. Олиб борилаётган ободонлаштириш ишларига ҳавасим келди. Ўзбекистон сайёҳлар эътиборини тортадиган гўзал мамлакатга айланибди.

Ўз юртинг хақида бундай сўзларни эшитиш кишига завқ бағишлайди. Фарғонанинг гайратли, меҳнаткаш, бунёдкор одамлари туфайли қишлоқ ҳўжалиги ҳам, саноат ҳам баб-баравар раванқ топиб бораётди. Шу боис шаҳар кундан-кунга чирой очиб, одамлар турмуши фаровон бўлмоқда. Шаҳардаги йигирма саккиз маҳалла худудиди гузарлар, болалар майдончалари, спорт иншоотлари барпо этилаётгани эса ҳар жихатдан соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етишига хизмат қилмоқда.

“Водиллик келин” филмини бир марта кўрган киши қалбиди Фарғонани, хусусан Водилу Чимёни бир



кўриш иштиёқи пайдо бўлади. Чимёнденгиз сатҳидан 700 метр баланддаги Қатрон тоғ этакларида жойлашган. Шу худуддаги “Чимёндан” пансионати нафақат юртимизда, балки кўшани республикаларда ҳам машҳур. Шу сабаб-

Эл обод — дил обод

ли бу маскан ҳамиша гавжум. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси тасарруфидидаги пансионат худуди 11,9 гектардан иборат. Биз аввало, шу ерда дам олаётган ҳамюртларимиз билан учрашдик. Чимёнга келган меҳмонлар юртимиздаги тинчлик, бунёдкорлик ишлари хақида тўлиб-тошиб сўзладилар. Улар уйимиз, хонадонларимиз тинч-осуда бўлмаса кўнгида дам олиш сизгарми, деган гапларни кўп такрорлашди. Чиндан ҳам шундай. Фақат тинч ва обод юрtdа байрамлар, тўйлар, турли хурсандчиликлар ярашади...

Бағдод Фарғонанинг энг обод туманларидан бири. Йўлларнинг кенглиги, кўчаларнинг саранжом-сариш-

талиги кишига ҳуш кайфият бағишлайди. Айниқса, намунавий уй-жойларни кўриб бир қувончимизга ўн қувонч қўшилди. Бу уйлардаги шарт-шароитлар шаҳардагидан кам эмаслиги қишлоқ аҳолисини мамнун этаётди.

Юртимизда қишлоққа саноатни олиб кириш борасида ҳам кўп хайирли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 2017 йилга қадар уч мингдан зиёд кичик корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган. Янги корхоналарнинг очилиши кўплай иш ўринлари пайдо бўлиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасининг ўсиши деган гап.

Кўштепа туманидаги “Исмоилжон гиламлари” корхонаси ўзининг бежирим гиламлари билан маълум ва машҳур. Бу ерда икки юзга яқин хотин-қиз меҳнат қилишаётган экан.

Эътиборли жиҳати корхона вилоят туманларида ҳам филиалларини очмоқда. Бағдоддаги “Ипак гиламлар” деб номланган тўқувчи касаначиларни тайёрлаш маркази ана шу таъаббуснинг самарасидир.

— Корхона кирқ нафар қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаган. Қўли гул хунардан қизларимиз тўқиган гиламларни кўриб уларнинг санъатига тан берасиз, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров. — Бугунги кунда қизларимиз тўқиган гиламлар Франция, Германия, Ирландия, Англия каби дав-

латларда ҳам харидоригр.

Марғилоннинг атласу адраслари нафақат юртимизда, балки бутун дунёда машҳур, десак муболага бўлмайди. Сўнгги йилларда Марғилоннинг қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Шаҳарда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани бу ерда қад ростилаган бинолар, маданият ва маърифат масканлари, боғу роғлар мисолида кўриш мумкин. Пирсиддик меъморий маъмуаси, Улуғмозор зияратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий макбараси каби тарихий-маданий ёдгорликларнинг қайтадан тиклангани ҳам шаҳар ободончилигида алоҳида аҳамият касб этаётди.

Ҳар бир инсон ўз Ватанига бўлган муҳаббатини фидойилиги билан исботламоғи, унинг янада раванқ топишига эзгу ишлари билан ҳисса қўшимоғи даркор. Шоир айтганидек:

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка бахтга ёр бўлсин!

Файрат МАЖИД

ВАТАННИ СЕВМОҚ КЕРАК

Ўзбекистон мустақилликка эришганида мен уч ёшда эдим. 31 август кунини одатдагидай ишдан кеч қайтган отам юзу кўзида қувонч билан онамдан суюнчи сўради: “Онаси суюнчи бер, Ўзбекистон бугун мустақил бўлди! Телевизорни кўй, Президентимиз гапираяпти!..”

Отам туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида механик бўлиб ишларди. Комбайнларнинг техник ҳолатини назорат қилар, шунинг учун ҳар кун елка-боши чанг-ғуборга ботиб келар эди. Биз отамнинг ишдан қайтишини интиқ бўлиб кўтиб ўтирардик. Аммо отамнинг қиладиган биринчи иши уйдаги бўғдойни, уни-мизни текшириш бўларди. Биз ҳайрон қолардик: “Отам комбайнчиларнинг бошлиғи бўлса-ю, уйдаги бўғдойнинг ҳисобини олиб юрса!” Аммо кейинроқ билдим: отам одамлар бўғдойга арпа-ниги, жўҳнинг домини кўришди, унни кўпайтириш мақсадида тегирмонга ташиб юрган бир пайтда бизни — яъни тўққиз жонни тўқ асраш учун сира давлат мулкига кўз олайтирмаган экан. Падарим ўз касбини ҳалол давом эттиряпти. Ўша пайтларда айтган гапларини бугун ҳам тез-тез такрорлайди: “Ёдларингиздан чиқмасин! Хирмон — Худонинг мулки! Бунга хиёнат қилган одамнинг ризқида барака бўлмайди! Сира ёлгонни, кингирлиқни ҳаёлга келтирманглр!”

Бирин-кетин барчамиз ўз йўлимыздан кетдик. Опаларим, акам оила қуришди. Ота-онам неварали бўлди, сочларига оқ тушди. Орадан ўн беш йилдан зиёд вақт ўтди. Бу орада мен Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга қабул қилиндим, талаба бўлдим. Тожкентда қолиб ота-онамнинг, устозларимнинг маслаҳатлари билан бирор идорада ишлашни, юртимнинг қорига ярайдиган фарзанд бўлишни ният қилдим.

Яхши ният қилган одам, албатта, эришади дейишарди. Юртбошимизнинг ёшларга бўлган катта эътиборидан мен ҳам баҳраманд бўлдим. 2009 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўрак нишони билан тақдирландим,

2012 йилда эса “Йилнинг энг фаол журналисти” кўриктанови ғолиби бўлдим. Бу ютуғимни эшитганда отам ҳар доимгидек даласида эди. Телефондан гуриллаётган тракторнинг овози келиб турарди. Бу товуш худди отамнинг ҳаяжондан ураётган юраги дук-дукидек бўлиб туюлди менга. Беихтиёр кўзларимга ёш келди. Бу се-винч ва гурур ёшлари эди.

Ифтихор

Бундай Ўзбекистон ғаллакорлари ҳаққо ярим миллион тонналик хирмон кўтарди. Саккиз гектаридан саксон центнердан зиёд ҳосил олган миришкорларимиз ҳам бор. Бу ҳосилнинг олтимиш фоиздан кўпроги деҳқон фермерларнинг ўз ихтиёрида қолди. Кўтарилган хирмонда отам, акам, юртдошларимиз қадок кўлларининг изи борлигини ҳис қилиш эса менга ва мен каби ёшларга фақат ифтихор бахш этади.

Ахир қайси бозорга ёки дўконга кирманг истаган навадаги ун қопларининг қатор турганини кўрасиз. Демак, бугун ҳаётимиз фаровон, кўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўқ. Белингизга қувват, уйингизга тинчлик, осудалик мўл-кўл ризқ истаймиз, азиз бобо деҳқон! Кафтин-гиздаги бир ҳовуч дон, бир чаноқ пахта баракага айланиб элнинг ризқига келиб қўшилади!

Сиз каби Ватанини жимгина севган қалби муҳаббатга тўлиқ ҳамюртларимнинг пок ниятлари эвазига ана шундай саодатли ва нурли кунларга эришдик, отажон!

Жамшидбек НАМАЗОВ,
“Ўзбекистон белгиси”
кўрак нишони совриндори.

“МЕҲРИБОНЕ” НИМА ДЕГАНИ?

Алишер Навоийнинг машҳур ғазалларидан бири: **Меҳр кўп кўрғуздум, аммо меҳрибоне топмадим, Жон басе қилдим фило, ором жоне топмадим,** — деган матлаъ билан бошланади. Лирик қаҳрамон ғазалнинг кейинги етти байтида “дилситоне”, “нишоне”, “гулситоне”, “нотавоне”, “достоне”, “амоне”, “хурдадоне” топмагини баён этади.

Биз қофияда келган бу сўзларнинг аксарияти маъносини тушунамиз, тушунамизми “дилситон” билан “хурдадон” бўлса, луғат ёрдамида уларнинг биринчиси “дил-ни олувчи, кўнгилни ўзига асир этувчи, дилбар; севгили”, иккинчиси эса, “майда, нозик нарсаларни билувчи, нозикфаҳм” деган маъноларни англатишини билиб олишимиз мумкин.

Ҳўш, “меҳрибон” сўзи билан “меҳрибоне” шакли ўрта-сида қандай фарқ бор?

Лекин бу саволга жавоб топмоқ учун “Навоий асарлари луғати” (1972) ёки “Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати” (1983 — 1985)ни титқилаб, овора бўлманг. Чунки уларда “меҳрибон” сўзи ва ғазалда унга қофиядош бўлиб келган бошқа сўзлар маъноси берилган, бироқ бу сўзларга қўшилган “-е” қўшимчасига қандай маъно юклангани айтилмаган.

Аслида, бу — “-э” қўшимчаси. Аммо кирилл ёзуви асосидаги алифбомизда агар “-э” сўз ўртаси ёки охирида келса, “-е” тарзида ёзилиши қоидага айлантирилган. Ана энди қўшимчани луғатга киритмоқчи бўлсак, муаммо юзга келади: буни “-э” деб берайлиқми, “-е” деб берайлиқми? Юқориди қайд этилган луғатларда унис ҳам, буини ҳам йўқ...

Албатта, 5 жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006

— 2008)да “-е” қўшимчаси бўлмайди, чунки бу эски тилимизга хос қўшимча, ҳозирги тилимизда эса у истеъмолдан чиққан. Луғатнинг 5-жилдида тилимизда алоҳида ҳолда ишлатиладиган “-э” ундамаси ҳам, сўз охирига қўшилиб келадиган “-е” юкламаси ҳам (масалан, “уялинг-е”) шарҳланган. Лекин яна “меҳрибоне” сўзидаги “-е” бизга тушунарсизлиқча қолаверади.

Навоийни ўрганиш

Форс тилидаги бир ҳодиса “ёи ваҳдат” (ёки “ёи вакира”) дейилади. Бу ерда “ё” деганда араб алифбосидидаги охири ҳарф (у “и”, “е” ва “й” ўрнида ишлатилади) кўзда тутилган.

“Ёи ваҳдат” (ёки “ёи вакира”) сўзга қўшилганда, яқаланиқ, битталиқни билдиради. Демак, “меҳрибоне” дегани “бир (хатто, “бирон-бир”) меҳрибон” деган маънони ифодалайди. Ғазалнинг қофияга олинган барча сўзларини ҳам шундай тушунамиз.

Ана энди матлаънинг маъносини мукаммал ифодалаш мумкин: “Меҳр кўп кўрсатдим, аммо бирон-бир меҳрибон топмадим, жонимни кўп бор фидо қилдим, лекин бирон-бир оромжон топмадим”.

Лекин “ором жоне топмадим” бирикмасида биратўла иккита маъно мавжуд: 1. “Бирон-бир оромжон (жонга ором берадиган дўст, ёр) топмадим. 2. Жонимнинг бирон-бир ором кўрганини топмадим.

Султонмурод ОЛИМ

Самарқандда шаҳарсозлик маданиятининг юксалиши Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ. Муаррихлар бу даврни шаҳарнинг янгидан қад ростлаш ва рўйи замин сайқалига айланиш даври, деб атайдилар.

Истиқлол даврида Юртбошимиз ташаббуси билан миллий ва замонавий меъморчилик аъёнлари асосида Самарқанднинг тарихий масканларини қайта қуриш, таъмирлаш, ўтмиш ёдгорликларини тиклашга киришилди. Шохизинда тарихий ёдгорликлар мажмуаси атрофи очилди. Қадимий обидалар ўрганилиб, асл ҳолига мос тарзда таъмирланди. Бу ерда XIV - XVI аср меъморчилигининг ўзига хос қиёфаси намоён бўлди. Ана шундай ишлар Регистон мажмуи, Амир Темур, Бибихоним мақбаралари, ярим вайрона тарздаги Жомеъ масжиди, Рухобод, Оксарой қадамжоларида ҳам олиб борилди. Мадра-саларнинг пештоқлари, миноралари, гўмбазлари тарихий кўринишда тикланиб, майоликали кошнлар билан безатилди. Сохибқирон мақбарасининг кириш қисмидаги пештоқи, ми-норалари, гўмбазы ўша давр руҳига монанд яратилди. Бу эса шаҳарнинг бугунги кунда ўзига хос тарзда тари-хий қиёфасини тиклаш билан бирга уни миллий, замонавий асосда қайта қуриш учун замин яратди.

— Самарқанд дунё тарихида Рим, Бобил, Рум, Миссопотамия каби энг қадимий шаҳарлар, давлатлар билан тенгдос шаҳар ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Ғуломов номидаги Археология институтининг директори Амриддин Бердишарифов. — У тўрт босқичда ри-вожланган. Биринчи босқич шаҳар-нинг 219 гектарни эгаллаган Афросиёб шаҳристонини билан боғлиқ. Унинг 19 гектарида шаҳар арки, қолган қис-мида қалъа жойлашган. Бу ерда олиб борилган археологик қазихмалар на-тижасида шаҳар қиёфаси — маҳалла-лари, суғориш тизими, аркадаги сарой-лар, ибодатхоналар тўрисида кўп маълумотлар аниқланди. Афросиёб XIII асргача нафақат Марказий Осиё-нинг, балки Шарқнинг гўзал, мустах-кам, маҳобатли шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилган.

Иккинчи босқич шаҳарнинг Тему-рийлар давридаги тараққиёти билан боғлиқ. Бу даврда шаҳар Афросиёб-нинг Ғарб қисмида шаклланган. Мав-жуд тарихий ёдгорликларнинг барча-си ана шу даврда барпо этилган.

Учинчи босқич шаҳарнинг XIX аср-нинг иккинчи ярмида — Чор Россия-си босқинидан кейин Европа меъмор-чилигининг кириб келиши билан боғ-лиқ. Бу ҳам ўрта асрлар даври Сама-рқанднинг Ғарбий қисмида барпо этилган.

Тўртинчи босқич XX асрдан бошлаб барпо қилинган бўлиб, шаҳар аввал-ги уч босқичда қад ростлаган Самар-қанд атрофида тикланган. Хар бир қарч ерида тарих излари мавжуд бўлган бундай қадимий шаҳар асоси-да унга эتىс етказмасдан замонавий шаҳар яратиш осон кечмайди. Айтай-лиқ, пештоқли, айвонли, ўймакор ёғоч устуни, гўмбазли обидалар ёнига Ев-ропа услубида қурилган иншоотни ёхуд XX асрда тикланган безаклардан холи бетон қопламалы ўйна ўзаро ўй-ғуниқда жойлаштириш қийин иш. Шунинг учун Самарқандда замонавий шаҳарсозлик қиёфасини юзага келти-ришга интилаётган меъморлар лойи-ҳалаштириш жараёнида шаҳар қури-

лишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда муҳташам, пештоқли, мрамор ва ёғоч устуни, олд қисми айвонли иморатларни ярат-моқдалар. Қолаверса, Ғарб меъмор-чилиги услубидаги иншоотлар шарқ меъморчилиги билан уйғунлаштирил-моқда. Биноларнинг олд қисми мар-мар мукарнаслар, ғиштли безаклар, сиркор гулли кошнлар билан беза-тилмоқда. Шу билан бирга унинг мар-казидаги кўчалар, хиёбонлар тартиб-га келтирилиб, шаҳар ҳуснига доғ бўлиб тушган эски иморатлар олиб ташланди. Марказни эгаллаб турган баъзи қорхоналар шаҳарнинг бошқа ҳудудларига кўчирилди. Эски иморат-лар ўрнига замонавий, муҳташам ин-шоотлар, меҳмонхоналар қурилди. Шаҳарнинг қоқ марказида Амир Темур ҳайкали қад ростлади. Хиёбонлар бар-по этилди. Натижада шаҳар маркази шаклланди. Шундан кейин бу ерга

тизимларини ўрганиб чиқмоқдалар. Бугун шаҳарда тарихий асосда замо-навий чархпалақлар, чойхоналар қад ростламоқда. Ёки кейинги йилларда қурилган меҳмонхоналарни бир кўздан кечиринг. Улар гўлдор кошн-лар, турфа шакли устулар, баланд пештоқдаги мукарнаслар замонавий иморатсозлик билан уйғунлашган.

Самарқанд шаҳри тобора кенгай-моқда. Бундан 10-15 йил илгари бир-чур одамга тадбиркорлик билан шу-ғулланинг, уч-тўрт қаватли иморат қури-нг, унда савдо шохбаси, маи-ший хизмат кўрсатиш қорхонаси бўлсин, тепа қаватларида тураржой-лар бунёд қилинг десангиз, ўзини чет-га олارد. Бугунги кунда эса ана шун-дай ишга бел боғлаган тадбиркорлар Самарқандда ниятда кўпайди. Бир-гина мисол: Регистон майдонини Дах-бед кўргони билан боғлайдиган кўча бир пайтлари ниятда тор, йўл чек-

ганман ва бу ерда бир неча йил иш-лаганман, — дейди япон олими Ясао Когути. — Уч йилдан кейин шаҳарга келиб хайратга тушдим. Кенг кўчалар, янги тураржой бинолари, Ғарб клас-сик услубидаги иморатлар, замонавий иншоотлар бари-бари янгидан қад ростлабди. Гапнинг очиги, ўзим бил-ган, кўрган аввалги шаҳарни таний олмай қолдим. Мен меъморчилик санъатидан яхши хабардорман. Бир шаҳарнинг ўзига хос меъморий қиёфасини яратиш учун бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар керак бўлади. Бу ерда эса қисқа муддат ичида хайрат-ланарли ишлар рўй берибди. Яна ҳам ҳайратомўш ҳодиса — шаҳарнинг бу-нёд қилинган ва яратилаётган бугун-ги қиёфасида тарихийлик, миллийлик, замонавийлик тўла ифодасини топ-моқда. Бир пайтлари бу ерга келган-лар шаҳарнинг қадим тарихига оид гўзал, муҳташам обидалар, ёдгорлик-лардан хайратга тушар эдилар. Энди-ликда бу шаҳарга келувчилар унинг бугунги шаҳарсозлик маданиятига ҳам қойил қолишлари аниқ.

Самарқанд қадим-қадимдан ям-

донига қадар чўзилган яшил ҳудудга боғланган. Бу яшил ҳудудда бунёд этилган турфа рангли ёғду таратувчи, куйловчи фавворалар шаҳарга гўзал-лик ва салқинлик бағишлайди Шаҳар-нинг ўзига хос транспорт катновидан ҳоли эколандшафт тизими - яшиллик маскани Регистон майдони яқинида-ги "Йўлбарслар хиёбони"дан то Би-бихоним жомеъ масжидига қадар етиб боради. Бундай яшил хиёбонлар ша-ҳарнинг бошқа ҳудудлари — вилоят ҳокимияти, шаҳар ҳокимияти, аэро-порт, темир йўл вокзали олдида ҳам мавжуд.

— Мамлакатимиз Президен-ти бугунги замонавий шаҳар-созлик тизимини шаклланти-ришда ажодлардан мерос ана шу кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дей-ди Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти профессори Ах-там Уралов. — Натижада ҳар бир ма-ҳалла, ҳар бир кўчанинг дарахтларга бурканган оромгоҳлари яратилди, ин-шоотлар, тураржой бинолари олди-да яшиллик масканлари юзага кел-

моқда. Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик қорхоналари, хорижий ин-вестициялар иштирокидаги қўшма қорхоналар эса шаҳарнинг иқтисодий ҳаётини юксалтириш билан бирга за-монавий шаҳарсозлик маданиятини ривожлантиришга ҳам хисса қўшмоқ-да. Айтайлик, Самарқанд автомобил-заводи, Лифтсозлик заводи, Совутич-лар ишлаб чиқарадиган "Сино" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, Самар-қанд антеп гилам қорхонаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар муҳташам, улғу-вор иншоотлари билан шаҳар қиёфа-сини янгиламоқда.

Ватан учун яшайлик!

Самарқандни алломалар, шоирлар қадим-қадимдан "фирдавсмонанд шаҳар", дея бежиз улуғлашмаган. Шаҳар тун қўйнида, нурлар оғишида гўё эртақлардаги шаҳарни эслатади. Шарқона гўзаллик, кўркемлик, лато-фат ва сеҳр билан уйғунлашади. Тун бағрида само ёритқичлари Самарқан-дни эмас, Самарқанд само бағрини ёритиб тургандек таассурот қолдира-ди. Шаҳар ана шундай бахт-иқболга Ватанимизнинг мустақиллиги туфай-ли яшиди. Самарқанд йилдан-йилга кенгайиб, улғуворлик касб этмоқда. Агар шаҳар ҳудуди 2010 йилда 8729 квадрат километри ташкил этган бўлса, у бугунги кунга келиб салкам 12 минг квадрат километрга етди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳарнинг ҳамма томонларини мар-каз билан боғлайдиган катта йўллар, кўчалар қурилишидан ташқари халқа йўл ҳам барпо этилмоқда, — дейди Са-марқанд шаҳар ҳокими А. Шукуров. Бу эса шаҳарнинг инфратузилмасини, янги қиёфасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, айни пайт-да, шаҳар атрофида саноат ҳудудла-рини вужудга келтириш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Кимёгарлар, Фарход шаҳарчаларида ўнлаб саноат қорхоналари бунёд этил-моқда. Бу эса ўз-ўзидан кўплаб турар-жойлар, таълим масканлари, мадани-ят муассасалари, савдо ва маиший хизмат қорхоналарининг барпо этили-шига сабаб бўлмоқда. Шаҳар аҳоли-сининг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар яра-тиш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ана шундай мақсадлар учун Хиш-рав шаҳарчаси яқинида яшил ҳудуд-дам олиш, саломатлигини яхшилаш учун спорт майдонлари, истироҳат марказ-лари бунёд этиш режалаштирилган. Афросиёб яқинидаги Хўжа Дониёл мак-бараси эса бугунги кунда тўла дара-жада қайтадан таъмирланмоқда. Йўллар, сув йўллари қурилиб, сайёҳ-лик тизими тикланмоқда. Шаҳарнинг қайта қурилиши муносабати билан унинг қадим тарихида асосий роль ўйнаган ва бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этаётган ҳунармандчилик тизими қайтадан тикланди.

Ҳаёт давом этар экан, халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик руҳи ҳеч қачон сўнмайди. Аждодларимиз қадимда буюк тарих, ўлмас мерос яратганлари каби бугунги авлодлар ҳам улғувор ишлари билан келажаги буюк давлатнинг мустаҳкам асосини барпо этмоқдалар. Самарқанд шаҳри-да амалга оширилаётган улғувор иш-лар ана шундан ғувоҳлик беради.

Қамол МАТЁҚУБОВ

ФУСУНҚОР САМАРҚАНД



қасидаги уйлар кўримсиз, омонат қурилган эди. Кейинги бир йил ичи-да кўча кенгайди, унинг атрофида бир-биридан қиройли иншоотлар барпо қилинди. Юзлаб савдо ва маиший хиз-мат шохбчалари, меҳмонхоналар қад ростлади. Кўча четидаги тарихий ёдгорликлар обод қилинди. Самар-қандда янги, замонавий шаҳарсозлик тизими шаклланди. Олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари натижаси-да 7,2 км. узунлиқдаги йўл таъмирла-ниб, икки томонлама 10 метрдан зиёд бўлган йўл қурилиши ишлари тугатил-ди. Регистон ва Тошкент кўчалари ке-сишмасида янги "Йўлбарслар хиёбо-ни" бунёд этилди. "Динамо" стадио-ни жаҳон андозаларига мос равишда реконструкция қилинди. Бундан таш-қари расмий меҳмонларни қабул қилиш комплекси қурилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

— Мен Самарқандга кўп марта кел-

яшил боғлари, кўкаламзор масканла-ри, кўркем хиёбонлари, кўплаб сув йўллари билан донг таратган. Муар-рихлар тарихий битикларда Афроси-ёбга кўрғошидан қилинган ариқлар-да сув этказиб берилганини, ҳовулар кўп бўлганини, Темурийлар даврида боғлар, дов-дарахтлар шаҳарга гўзал-лик бағишлаб турганлигини эътироф этадилар. Самарқанднинг бугунги миллий ва замонавий шаҳарсозлик ти-зиммида ҳам ана шу хусусиятлар сақ-лаб қолинмоқда. Марказдаги универ-ситет хиёбони шаҳарнинг эколанд-шафт асосини ташкил этади. Бу ер-даги бир неча асрлик дарахтлар хиё-бонга алоҳида кўрк бағишладилар. Хиё-боннинг бир томони Алишер Навоий номидаги истироҳат боғига бориб ту-ташади. Боғ шаҳар аҳлининг сеvimли масканига айланган. Университет хи-ёбонининг иккинчи томони Амир Те-мур ҳайкали пойидан Регистон май-

ёшлар ташкил этишини ҳисобга ола-диган бўлсак, ҳозирги пайтда бу ер-даги коллеж, академик лицейларнинг барчаси янгидан бунёд этилди. Тош-кент Ахборот технологиялари универ-ситетининг Самарқанд филиали ҳам миллий, ҳам замонавий шаҳарсозлик аъёнлари асосида қад ростлади. Умумтаълим мактабларининг бир қисми янгидан қурилган бўлса, бош-қалари капитал таъмирдан чиқарилди. Шаҳарда фаолият юритаётган стади-онлар, спорт майдончалари, ёпиқ сув ҳавзаларининг шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда муҳташам тар-зда тикланган.

Самарқанд мамлакатимизнинг на-фақат тарихий-маданий марказлари-дан бири, балки республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тарақ-қайта эришган шаҳри ҳам ҳисобла-нади. Шаҳар бағрида 800 дан ортиқ саноат қорхоналари фаолият юрит-

“ҒУНЧА”ОЙНИНГ АЯСИ

Биз "Гулхан" ва "Ғунча" журналларининг ёшлари, Яйра опа билан бирга ишлаганлар у кишини нафақат ихлодда, балки ҳаётда ҳам устоз, деб биламиз. Опанинг кийинишидан тортиб, юриш-туриши, одамларга муомала-си ҳам биз учун ибрат. "Саодат", "Гулхан", "Ғунча" битта бинодалиги боис кўпгина йи-ғилиш ва тадбирларимиз бирга ўтарди.

"Ғунча" нафақат болалар, балки катта ихлодорларнинг ҳам сеvimли масканига ай-ланганди. Қуддус Му-ҳаммадий, Илос Мус-лим, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир, Миразиз

Аъзам, Тўхтасин Жалолов, Музайяна Алавия, Асқад Мухтор, Хамид Ғулом ҳам тез-тез тах-ририятга келишар, ёзганларини кичкинтой-ларга илинардил. Яйра опа уларни ҳамиша очик юз билан қутиб олар, барча ишларни четга суриб, бир пайла чой устида улар бил-лан суҳбатлашиш имконини топарди. Таниқ-ли педагог, профессор Қумри Абдуллаева "Алифбо"га киритиладиган шеър, ҳикоя, то-пишмоқларни даставвал "Ғунча" ўқувчилари назаридан ўтказиб оларди. "Ғунча" тўлиқ маънода бошланғич синф дарсликларининг синон майдони эди, десам хато қилмаган бўламан.

Раҳбарлик масъулияти, мажлислар, хизмат сафарлари, бекаликдан қачон вақт ортирди, қачон "Инсон қадри", "Олтин бах-тим", "Ярашмаган ялла", "Бекинмачоқ", "Танлаб олган новотим" каби йигирмадан ортиқ китоб ёзишга улғурди экан-а, деб ўйлаб қоламан.

Меҳнат қилган элда азиз. Опамизнинг бу фидойиликлари халқимиз, ҳукуматимиз томо-нидан муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони-га сазовор бўлди. "Соғлом авлод учун" ор-дени билан мукофотланди.

Бутун фаолиятини болалар матбуоти ва адабиёти билан боғлаган, салкам ўттиз йил кичкинтойларнинг суюкли журналлари бошқ-арган, барча ўзбек болаларининг содиқ дўстига айланган Ғун-чаой, Тарикбой, Те-миржон (роботбола) каби қаҳрамонларнинг

"онаси" Яйра Саъдуллаевага журналхонлар ўз мактубларида "ая", деб муножаат қили-шарди. Минг-минглаб болаларнинг қалби-ни забт этган журналга ая, бўлиш болалар-нинг ижодкорга бўлган эътибори, чексиз ҳур-мати рамзи эмасми?!

Бугун 80 ёшини нишонлаётган адибамиз-нинг қалами ҳамон ёзишдан тўхтагани йўқ. У киши набиралари — қорақўз ўзбек болалари-нинг маънавиятини бойитувчи, миллий қад-риятларимизга ҳурмат, шарқона ахлоқ-одоб руҳида тарбияловчи ҳикоя-эртақлар ёзишда давом этаётган.

Биз — шогирдлари эса турмушдами, ижод-дами бирор муаммога дуч келсак нақл ва ми-солларга тўла маслаҳатларини тинглаш учун ҳузурга ошмакчимиз. Биламизки, у кишининг эшиги биз учун ҳамиша очик.

Муҳаббат ҲАМИДОВА, журналист.

ЮРТНИНГ ФАОЛ ҚИЗЛАРИ

аёло ўқиши, фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизлар сафини тобора кен-гайтириш, уларни юксак мақсадлар сари руҳ-лантиришда қанот бўлмоқда. Бугунги кунда икки юздан ортиқ истеъдод соҳибаси ушбу му-кофотга лойиқ топилган. Улар эндиликда етак-чи илмий марказлар, олий ўқув юртлари, тур-ли ташкилот ва идораларда самарали фаоли-ят олиб бормоқда.

Тадбир давомида "Сени улуғлайман, она Ватаним" мавзуйда мушоира бўлиб ўтди. Ай-ниқса, совриндорлар томонидан қуйланган "Бахтли қиз", "Дугоналар, бормисиз?" каби қўшиқлар анжуманга ўзгача шукўҳ бағишла-ди. Ўқиш ва иш фаолияти, маданий-маъри-фий ҳаётда фаоллик кўрсатган мукофот со-ҳибалари Хотин-қизлар қўмитасининг махсус сертификатлари билан тақдирланди.

Вазира ИБРОҲИМОВА

АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Халқимизнинг ўзига хос аъёнлари, урф-одатлари асрлар оша яшаб келмоқда. Маса-лан, ўтганлар руҳини ёд этиш, улар дафн этил-ган жойларни обод қилиш, кўкаламзорлаш-тириш, доимо саранжом-саршиша сақлаш каби аъёнлар ана шу эзгу фазилатлардандир. Азал-азалдан ота-боболарнинг инсонни на-фақат тириклигида, балки вафот этгандан кей-ин ҳам руҳларини ёд этиб доимо эслаб тур-ганлар. Мозорларга гуллар экишган, ўт-ўлан-лардан тозалаб, ён-атрофини тартибга кел-тириб туришган.

Аммо мустабид тузум тузайди ана шу қад-риятларимизга путур етказилди. Нафақат ти-риklar маънавий олами, балки марҳумлар руҳи покига адо этиладиган урф-одатларимиз ҳам ўзгача "қолигга" солин-ди. Масалан, қабристонлар қаровсиз қолгани, ҳатто базиларни очилиб ва бузи-либ марҳумлар руҳи безов-та қилинганни, қадимжон-зи-ёратгоҳлар атрофига мада-ний-маиший бинолар но-ўрин қурилгани ўша пайт-ларда ҳаммаимизни ҳам ташвишга солганди.

Шукри, истиқлол йилла-рида барча бунёдкорлик ишлари қаторида қадим зи-ёратгоҳлар, қадимжолар ва қабристонларни обод қилиш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Юртбошимиз раҳномалигида тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни

ўрганиш, обидаларни обод қилиш борасида кенг қўламли ишлар бажарилди. Урф-одатла-римиз, миллий маросимларимизни эъзозлашга катта эътибор берилмоқда. Баҳоуддин На-ҳшбандий, Абдухалил Ғиждувийни, Имом Бу-хорий, Занги ота каби улғу аждодларимизнинг хоки пойи ётган зиёратгоҳлар обод этилди.

Шу ўринда Сохибқирон Амир Темурнинг азизу авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, кутлуг қадимжоларини зиёрат этмоқчи ҳам фарз, ҳам қарз билганини, зиёратгоҳлар ол-дидан эҳтиром бажо этиб ўтганларини эслаш жоиздир.

Ана шуларни му-шоҳада этар экан-ман, қабристонлар

Мулоҳаза

атрофидан ўтадиган серқ-атнов йўллар чеккасига миллий аъёнларимизни акс эттирадиган тасви-рпаннолар ўрнатилса, авто-транспорт тезлигини чега-раловчи ва осойишталикка даъват этувчи белгилар қўйилса, янада яхши бўлар-ди, деган мулоҳаза туғилди. Ушбу тасвир ва белгилар-ни кўрган хайдовчилар тез-лики камайтириши, йўлов-чилар бир дам бўлса-да аж-додларини хотирлаши, улар руҳига ҳурмат бажо келти-риш яхши гапда ахир.

Билал АМИНОВ, олим.

Барот ИСРОИЛ

ҚУРАМА ТОҒ ЎЛАНИ

ОҲАНГАРОН

Қадим Шошда Илоқ деган, кўҳна шаҳар Оҳангарон,
Тоғу боғлар чорлар мудом, соз ҳар баҳор, Оҳангарон.

Кўҳисимнинг кўмири мўл, савлат тўқар маъдан конлар,
Корхоналар мўрисида кўкка боқар, Оҳангарон.

Қураматог жилгалари ўланини тинглар воҳа,
Кўксой, Оқча, Тошсойларда тўлиб оқар, Оҳангарон.

Бир ёнида Олмалику бир ёнида сўлим кентлар,
Саритогда заргар мисол тошни чақар, Оҳангарон.

Тоғларида ҷумолидек ўрмалайди чорва моллар,
Яйловлари чўпонларга хўп хуш ёқар, Оҳангарон.

Мамлакатга белбоғ мисол миси бирла доврўқ солган,
Гўзалларга соф олтиндан балдоқ тақар, Оҳангарон.

Бу воҳада шоир Барот камтарона ҳаёт қурмиш,
Ҳар гиёҳу ҳар тошдан учқун чиқар, Оҳангарон.

ИШОНДИМ

Мастона ёр кулгичининг кулганига ишондим,
Вужудда бир ҳис пайдо бўлганига ишондим.

Муҳаббатми ёхуд дўстлик илтифоти ўзгача,
Икки оташ орасида қолганига ишондим.

Тўқилганиб жисму тани кўнгилнинг уммонида,
Борлигини олов қамраб олганига ишондим.

Ногаҳон ҳар учрашганда дилни изҳор этолмай,
Имо-ишоралар ила билганига ишондим.

Дўстлик бирла севмоқликнинг фарқини англа, Барот,
Ёр шунчаки одамийлик қилганига ишондим.

Саратоннинг чилласи. Машинада чўлга — чўпоннинг уйига кетаялман. Икки ён баланд адирлик. Сайхонлик бўйлаб кетган йилнинг йўлининг чўпонлигидан паст-баланди билинмайди. Пешонага ураётган қўш нуридан бир хил рангдаги тупроқ йўлга тикилган кўзлар толикади. Бундай вақтда машина бошқариш азоб. Қора кўзойнакда ҳам кўз толади. Шунда узокдан аллақандай шарпа жимирлаб кўринди. Яқинлашганим сари унинг инсон эканлигини англадим. Ёнига бориб тўхтадим. Манзилимиз бир экан. Йўл узок. Сухбатлашиб кетдик.

— Марказдаги бозордан сигир сотиб олгандим, — дея гап бошлади ўзини Рустам ака, деб таниган йўлдошим. — Шу десангиз, тузалмас дардга йўлиқди. На сув ичади, на емиш ёвди. Бермаган доримиз қолмади. Ветинар кўриб, касали йўқ, деди. Кейин билсак, еройинлабди. Сигир нарғи бет — Макидоннинг моли экан.

Еройинлаш... Кўшни тумандан кўчиб келган Шухрат аканинг онаси ҳам шундай дардга чалинганди. Ётмишни қоралаб қолган момо янги ўйда яшай бошлаганига бир ҳафта бўлмасдан кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Боши айланиб, юраги беҳузур бўлди. Ҳеч бир дори-дармон қор қилмади. Момонинг фарзандлари бошида парвона. Икки кундан сўнг, Шухрат ака онасининг айтган гапларига ишониб-ишонмай эски ҳовлисида бир сиким тупроқ олиб келди. Зайнаб бобо шу тупроқ билан бошини ювди, бир чимдимини чойга қўшиб ичди. Ажабо, ўрнидан туролмай ётган момо кечқурун катта ҳовлини айланиб чиқди. Жўяда ўсган ўтлардан олиб кўзларга келтириб берди. Сўнг, кўра олдиди ўтириб, ҳовлининг девор билан ўралмаган томонидан янги кишлоғига тикилиб ўтираркан, "Еройинлаганим чин экан-да, — деб ўйлади. — Бегона жой, бошқа тупроқ, хавоси ҳам фарқли. Шундай бўлган одам ўзининг юртини тупроғини кўмсайди. Еройинлабди. Бир сиким тупроқдан бошқа малҳам йўқ, тузалмас дардга йўлиқди... Ай, Худойимнинг хўп ишлари бор-да!"

Ҳаёл билан бўлиб, машинанинг олд гилдираги чуқурга тушганини билмай қолибман. Йўлнинг азобидан қийналиб:

— Рустам ака, шу ердан кўчиб кетсангиз бўлмайми? — дейман. — Қишлоққа, тоғ ҳам чўлдан яхши.

Бу гапимдан сўнг у киши анчагача жим кетди. Узок-узокларга термудди. Кенгликларни энди кўраётгандек ҳайратланиб қаради. Тагин гап бошлади.

— Ука, сизга бир воқеани айтиб берай. Ўтган йил уйимизга қалдирғоч уя қурди. Ўша қалдирғочни тутиб қанотини бўяб қўйдим. Ишонасизми, бу йил ҳам ўша қаноти бўялган қалдирғоч келди. Қанотдаги ранг сал униккан, лекин таниб олса бўлади. Улар шунча узокдан қандай топиб келди? Нега адашиб кетмайдим. Йўлда қанча маконлардан ўтиб шу ерга келади... Бизнинг ҳам уямиз — шу ер!

Рустам ака яна нималарнидир гапирар, менинг кўз ўнгимда эса кам қатнов кўчамизга бирин-кетин кириб келаётган машиналар ортидан қор кечиб, сирпанчик учиб юрган болалик чоғларим ўта бошлайди...

БОБОМЕРОС ТУЙҒУ

Эргаш бобо ўтов анжомларини ҳовли ўртасига олиб чиқаётганларнинг бирини тўхтатди:

— Бу нимага керак — деди имкон қадар паст овозда. — Куннинг шу соғуғида уй тиқиш шартми?

— Васият, — дейди Ботир ака бир ўрам чийни кўтараётди.

Эргаш бобо оғир дард қийнаётгандек юзини тириштириб, бошини сарак-сарак қилди. Бир муддат чуқур ўйга толиб турди-да, ҳовлидаги қалин қорни кураётганлардан икки кишини ўтов тикланадиган жойга бошлади. Сўнг жўровозда айтим айтиб йиғлаётган аёллардан уч-тўрттаси ўтовни тиклай бошлади. Анжомларни ташиниётганлар уларга кўмаклашарди. Ўтов тиклаётганларнинг бир-бирини сўзсиз тушуниб, шунга монанд ҳаракатланиши, кўз илғамас ишоралар билангина сўзлашишлари, энг муҳими, кишининг қалин қори ўртасида қад ростлаган ўтов, биз болалар учун фавқуллода қизиқ ҳодиса эди.

Бир неча йил ўтиб, ўшанда Элдорнинг бобоси вафот этган, у кишининг васиятига кўра ўтовдан сўнгги манзилга кузатилганини тушундим. Аммо нима учун бундай васият қилганию, ўтовнинг нега кераклиги ҳақида ўшанда ўйлаб кўрмаган эканман.

"Бизнинг ҳам уямиз — шу ер!" — бу оддийгина қилиб айтилган гап нақа-

дар теран. Ўтовнинг "сири" юрагимнинг чуқур жойида дарёдай тошиб кўзларимда қалқди. Нега шу чоққача билмадим? Англамадим? Ахир, бу одамлар азалдан қиру адирларда, ўтовда яшаган. ЎТОВ — УЙ, ҚўРҒОН!

Ватан ҳақидаги ўйларим шу ердан бошланган бўлса керак. Аммо унга нисбатан ҳиссиётим, болалик меро-

си экани аниқ. Укам "келиб", бешикдан узоклашганимдан сўнг, анча вақтгача бешикни тез-тез ҳидлашимни, "мен ётаман", деб хархаша қилганимни онам айтиб берганларида, бунга неча бор амин бўлганман. Сўнг, бобомнинг оғир тин олиб, бурунги замонлар ҳақида гапирганларида нега кўксим жимирлаганини англаб етгандекман...

Бобом қўлидаги пиёлани ерга қўйиб, узокча жим термудди. Ўтмишнинг оғир кунларини эслаб, кўзларидаги ёш қалқиб, юзини ювади. Халқнинг беғуноҳ фарзандларини арзимас бахоналар билан халқ душманига, қулоққа айлантирилган вақтларни хотирлаб, ўтмиш эртакларидан сўзлаб беради.

— Не кунлар ўтмади бу элнинг бошидан. Ҳа-а, сенлардай бўз боламан. Қизил аскарлар отамни эшон, мулла, деб олиб кетди. Бобом билан китобларни кўмдик. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бобомни ҳам қулоқ қилишди... Эй, бу кунлар Оллоҳ берган неъмат, буни билган билди.

Бобом буни бизнинг ҳам билишимизни истаганлари учун шу гапларни такрор-такрор айтиб бергандирлар. Халқнинг ўз юртида бегонадай бўлмасдан, она тилида эркин сўзламоғи нақадар бахт эканлигини бизга шу йўсинда сингдирмоқчидирлар...

Йилдан йилга яшарди Барот,
Умр узайиб, кирсанг ҳам юзга,
Дунё гўзал кўринар кўзга,

САЙҚАЛ
БЕРИЛМАГУНЧА

Фикринг гавҳари пишмас,
Сайқал берилмагунча.
Кўнгил ўрнига тушмас,
Ўйлаб қўрилмагунча.

Ақл чархидур мақол,
Билиб гапир ҳар маҳал,
Мағзи чақилмас матал,
Дурдек терилмагунча.

Сиру асроринг дилда,
Бахту иқболинг қўлда,
Қалринг билинмас элда,
Йўқлаб борилмагунча.

Қилмиш қидирмиш демиш,
Барот осонмас ҳеч иш,
Ният ушалмас эмиш,
Заҳмат қўрилмагунча.

Шавкат ОДИЛЖОН

СОҒИНЧ

МЕҲР

Баҳор чоғи кўзи боққан,
Ўтлоғимни соғиндим.
Жинариқдан сувлар ичган
Кишлоғимни соғиндим.

Умид билан мени қутган,
Ота-онамиз ҳар ўтган,
Нотаниш қиз билан кетган,
Қийноғимни соғиндим.

Ётга меҳр тўшаб бўлмас,
Лек, шунчаки яшаб бўлмас,
Атиргулу лоланимас —
Қийғимни соғиндим.

Йигирма беш ёшдаман, бок,
Сочимда оқ, кўнглим жумбоқ,
Мени сенга элтар тупроқ
Сўқмоғимни соғиндим.

МЕНИ СЕВМАСАНГ

Юрак ютиб, жон ҳовучлаб яшайман,
Қалбимда йўқ эди зарра губор, чанг.
Атрофингда шунча йигит турганда —
Нима қилар эди мени севмасанг?

Алпомишдай кўриндимми кўзингга,
Ё Мажнундай тафт бердимми юзингга,
Арзимаيمان асли босган изингга,
Нима қилар эди мени севмасанг?

Керак пайтда туролмасман ёнингга,
Бахтли кунда ёки тушқун онингда,

Қушлар учар безовта осмонингда,
Нима қилар эди мени севмасанг?

Кундузлари йўл кўрсатар, эй Ойим,
Кичик кўнглим, гулим, соҳибчиройим,
Иккимизга инсоф берсин илойим!
Нима қилар эди мени севмасанг?

Энди дилим ўт ичида, қуларди,
Ўт ичида сенга умр тиларди,
Фақат яхши кўрсанг нима қиларди,
Нима қилар эди мени севмасанг?

ҚҶШНИ ҚИЗ БАХТИ

Фолга ишонагин, юрмагин фолсиз,
Дейдилар, ўзингча ирим қил, майли.
Элда оддий гап бор: уйингга ҳаргиз,
Мевасиз дарахтни экиб бўлмайд.

Эна, қўшни қизга очиб қўйинг ром,
Энди биз томонга бир назар этсин.
Иккимизга бир бахт тилангиз, шу он
Ниятингиз диллар қўшқига етсин.

ҚҶЙ, АЛДАМА

Қўй, аллама, бермагин фириб,
"Севаман", деб гапирма асти.
Ахир, қанча ёлгон гапириб,
Дейсан яна, "Сўзларим ростдир".

Чиройингга не бўлади зеб?
Ҳеч нарса йўқ, қўриб турибсан.
"Юрагимни сизга бердим", деб,
Сен қалбимни олиб қўйибсан.

Шавкат ОДИЛЖОН 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультетини тамомлаган.



дек катта дошқозонда ош пишари. Юртда тўй тўйди, Алпомишники. Халқники. Унга кўзлариде кувонч товланаётган дўмбиранинг кўйи эш бўлаётди. Бахши дарёдай тошади. Шердай наъра

тортади. Элнинг юзида минглаб қуёш балқийди. Беихтиёр танимнинг қаттиқ тебранишидан илкис бошимни кўтараман. Достон аллақачон тугаган. Энди Бахши шўх терма айтмоқда. Ўша ётдан супада юлдузли кўкка тикилиб ётарканман, қизим болаларча ширин тили билан опаларидан ўрганганини зўр иштиёқ ила сўзлайди:

— Бий Алпомиш бойякан, бий оти бойякан...

Унинг гаплари супа атрофидаги гуллар ҳидидек мени сархуш қиладди. Ҳовлидаги дарахтлар кўзимга Хизрдек кўринади. Қизимни бағримга босаман. Унинг юзига узок тикиламан. У менинг кўзларимга боқади. Зўр кашфиёт қилгандай "ана мунавай", дея қувониб кулади, кўзимда ўзининг аксини кўриб. Кўзлар бир зум бир-бирига термудди. Унинг нур тўла кўзлариде, бугуним ва эртанги куним намоён бўлади. Болалигимнинг ёрқин хотиралари жонланади.

Бойсун. Тоғ. Турна қатор бўлиб ёлғиз оёқ йўлдан, Ҳазрат Султон Валий қадамжоларига йўл олганимиз. Олдинда юлкаримиз ортилган от, сўнг эркаклар, уларнинг ортида аёллар ва биз болалар. Буюк қалъа деворларидек атроф тоғ билан ўралган. Онам укамни кўтарган. Мени кўшимиз Шаҳар момо опичлаб олган. У кишининг баланд қасабасидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмаётган олдиндаги чўққига

қараб келаверимиз. Яқинлашганимиз сари катталашиб бораётган тоғ этагидаги каттакон тош ёнида тўхтаимиз. Тошнинг да ўзига хос тарихи бор. Бўрунги замонлар. Ҳазрат Султон Валий яшаган давр. Ўлкани ёғий босади. Улар нихотда кўп ва бешафқат эди. Ҳазрат наварбошиси Назармуҳаммад билан келишаркан ортларидан душман яқинлашиб қолади. Шунда ул зот туя етаклаб келаятган наварбошига:

— Туяни тобага тортинг, тобага — дейди. Одам боласи чиқа олмайди-ган девордек тик, силлиқ тошда Назармуҳаммад лойда юргандек, из қолдириб унинг тепасига чиқиб боради. Навкарбошининг ортидан борган туя, тошнинг устида ётади. Туянинг ётган жойи ҳам чуқур из бўлиб қолади. Буни кўрган душман наварлари бу зотларнинг оддий инсон эмаслигини, шундай улуғлари бор халқни маъв этиб бўлмаслигини тушуниб, "Бу ёғи омонлиг бўлсин", деб ортларига қайтади. Омонхона номи шундан қолган, дейишади.

Шаҳар момо азияларнинг ҳозир ҳам аниқ билиниб турган тошдаги изларини, юқорида туянинг чуққан жойларини бизларга кўрсатиб, элни душман босқинидан сақлаиб қолишига сабаби бўлган тошни тавоф этгудек бўлиб:

— Бу элга ҳеч бўлмаганда шу тошдек наф келтириш керак! — дейди.

Биродарим, мен Ватан ҳақида баландпарвоз сўзларни гапиролмайман. Аммо кишлоғимда унган ёнтоқнинг гули кўзларимга баҳорнинг илк чечакларидек қувонч бахш этади. Шаҳар автобусидаги етти ёт бегона чиптачи йигит минг йиллик қадрдонидек бўлиб кўринади...

Ҳа, шундай ўйлар билан банд эдим. — Эй, раҳмат сизга ука, ҳа дема-са ўтиб кетарканман, кўзим илинибди. Мана шу кўриниб турган уй — бизники. Гузар оғиб ўтганда тушинг — меҳмон бўлинг, — Рустам аканинг гапларидан сергак тортиб машинани тўхтаман. Рустам ака уйига шошилади. Уйига...

Уй тиқиш — Ўтов тиклаш
Тоба, Тоба — Катта силлиқ тош

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ 1985 йили туғилган. Ҳикоялари республика матбуотида мунтазам чоп этиб келинмоқда. Ҳозирда "Истиқлол нури" нашриётида фаолият юритаяпти.

“Бобурнома”да муаллиф Хусайн Бойқаро давлати садрлари (вақф мулклари ҳисоб-китобини олиб борувчи мутасаввифлар) ҳақида сўз юритаркан, улар жумласидан Камолиддин Хусайн Гозургоҳий тўғрисида: “Яна Камолиддин Хусайн Гозургоҳий эди. Агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, вай ва самов қилурлар экандур. Аксаридин мунинг услуби яхшироқ экандур. Фолибо сабаби риюяти усули бўлибтур. Ўзга дегудек ҳайсиати йўқ эди...”, деб ёзади.

да бир китоб тартиб берган ва унга “Табақоти ус-сўфия” деб ном қўйган...
Хазрат шайх ул-имом Абу Исмоил Абдуллох бин Муҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳеравий (вафоти 1088 йил – **И.Б.**) эса бу китоб маълумотларини ваъзхонлик давраларида айтиб юрганлар ҳамда унга бошқа шайх ва ўзларидан ҳам илҳом завқларини қўшганлар.

фикрни амалга оширишни кўнглимдагидек тарзда илтимос қилди...” (“Нафаҳот”нинг кириш сўзидан бу ва кейинги таржималар бизники — **И.Б.**)
Жомий “Нафаҳот ул-унс”-да сўфининг Ҳақ йўлида дунёвий лаззатлардан бутунлай тийинган кишилар эканига изоҳ бериб, уларнинг бир неча тоифага бўлинишини эслатгач, бу

дан бўлиб, илмлар эгаллагани, шунингдек, фол боқиш ва бошқа соҳалар қатори сўфийлик тариқатида ҳам киргани, Озарбайжондан Хиротга келгач, Хусайн Бойқаро уни шарҳнинг Гозургоҳ мавзесидagi авлиё Абдуллох Ансорий мақбарасига мутавалли ва шайх этиб тайинлагани ҳақида ёзади.

Демак, сўфийлик йўлига кирган Камолиддин Хусайн давлат ишларида ҳам иштирок этгани сабабли чин сўфи мақомига эга бўла олмай, Бобур томонидан, Абдураҳмон Жомий таърифлаганидек, мутасаввиф сифатида тилга олинган.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг ҳажа бора олмаган 1498 йилда Хусайн Бойқародан рухсат сўраб, бир неча ой фахрий равишда Абдуллох Ансорий мақбарасида мужовир бўлиб турганини эслаш жоиз. Ўшанда бу муқаддас ҳазиранинг расмий шайхи Камолиддин Хусайн Гозургоҳий бўлиб, Навоий ундан фахрий равишдаги шайхликни қабул қиларкан, бошига шайхларнинг узун салласини ўраб, энгига сўфийлар ридосини кийган.

Бу эса, Жомий эслатганидек, Алишер Навоийнинг расман сўфийлик маслакига киргани, ammo унинг бу равиши сўфийликдаги “мутасаввиф” — дунёвий орзу-хаваслардан тўлиқ воз кечмаган бир мақомга эга бўлганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай тарихий истилоҳ тўғрисида сўз юритар эканмиз, дастлаб маълум бир давр олимлари таърифи билан ҳам танишиб олишимиз зарур бўлади.

Исмомил БЕКЖОН,
филология фанлари номзоди

СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ, КАМТАРИН ИНСОН

Тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанов қарийб қирқ йил давомида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлэмалар фондида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. У ҳазинада сақланаётган ноёб ва мўтабар кўлэма манбалар тилини тушунади, қачон ва қаерда яратилганини аниқлаб бера олади. Зеро, араб, форс тилларида ёзилган мўтабар кўлэма-ларни ўқиш, тушуниш ва тушунтириш жуда катта билим ва ҳаётий тажрибани талаб қилади.

М.Ҳасанов иштирокида чоп этилган рисола, китоб, монография, таржималарнинг умумий сони бир юз ўттиздан ошиб кетган, илмий ва оммабоп мақолаларнинг сони эса, икки юздан ортиқ. Таниқли олим “Мозийдан сад”, “Имом Бухорий сабоқлари”, “Шарқ табобати” каби журналлар тахририяти аъзоси, “Сирли табобат” газетаси тахририяти хайъатининг раиси.

Талабалик даврида у машҳур академик Алибек Рустамов, профессорлар Шоислом Шомухаммедов, Маҳмудхон Нурматов каби ўз соҳасининг етук билимдонлари қўлида таълим олди. Ижодий фаолиятида устоз Ш.Шомухаммедов изидан бориб, қимматли манбаларнинг ўзбек тилига таржимасини муваффақиятли давом эттириб келмоқда.

Олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хос табиби Муҳаммад Юсуф Юсуфий илмий ва шеърӣ ме-росини ҳидий ўрганди ва илмий из-ланишлари самараси сифатида ма-шҳур табиб ҳаёти ва ижоди тўғриси-да “Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати” номли рисоласини чоп эттирди. Шундан сўнг форс тилидаги табобат-га оид шеърӣ асарлар-ни тадқиқ этиб, аввал “Шарқ табобати дурдоналари” ва “Та-бобат дурдоналари”, “Даволардан чиққан садолар ёки 1001 ҳикмат” номли тўпламларини тайёрлади. Улар-да, асосан, шеърӣ асарлар яратган шоир ва табиблар ижоди намуналар-и жамланган.

Тошкентлик олим Боситхон Шо-шийнинг табобатга оид йирик асари икки жилдди “Конун Боситий” ва беш тилли табобат луғатини нашрга тай-ёрлади. Бу китоблар ўз муҳлислари-ни топди, қайта-қайта нашр қилинди.

Илмий тадқиқотлар билан бирга М.Ҳасанов ахлоққа оид ибратли ҳикоя, қисса, масал ва шеърӣ лав-ҳаларни ўғриб, “Тошкент оқшоми” газетасида чоп эттирди. Кейинча уларни “Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони”, “Одобнома” номли китобларга жамлаб нашр қилдири-ди. Одоб-ахлоққа оид мумтоз намуна-

лар — Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” ва Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асар-лари таржимасида олим фаол иш-тирок этди, бу китоблар яқин йил-ларда икки мартадан нашр этилди.

Шунингдек, М.Ҳасанов Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Ис-хон Ибратнинг “Фар-ғона тарихи” китобини ўзбек тилига таржима қилишда иштирок этди.

Фахруддин Али Сайфийнинг “Раша-хот айнул ҳаёт”, Сўфи Оллоҳнинг “Сабот ул-оҳизин”, Хожа Убайдулла Аҳорнинг “Табаррук рисолаи”, Мавлоно Хароботийнинг “Маснавийи Мавлоно Хароботий”, “Қуллиёти Ха-роботий” асарларини, Хожа Абдухо-лик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида кўплаб рисолаларни она тилимизга ўғриб, шарҳлаб, нашр эттиришда жонбозлик кўрсатди.

Йирик олим ва моҳир таржимон Маҳмуд Ҳасанов қирқ беш йилдан бери фаол ижод этаётган бўлса-да, юртимиз мустақиллигидан сўнг унинг фаолиятида энг самарали давр бош-ланди. Унинг фидокорона меҳнатла-ри ҳукуматимиз томонидан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
профессор

БОБУРНИНГ БИР ТАЪРИФИ

Тадқиқот, ахборот

Ушбу иқтибосдаги “сўфи” ва “мутасаввиф” атамалари борасида мутахассислар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб, сўфи деганда тарки дунё қилган дарвиш-сўфи кўзда тутилган, мутасав-вифдан эса тасаввуф олими англанган, деган фикрларни илгари су-ришганди.

Айрим арабшунос олимлар ҳар икки атаманинг ўзга бит-та бўлгани учун уларнинг ик-каласи ҳам фақат битта маъ-но – тасаввуф аҳлини билди-ришини таъкидлашган. У ҳолда Бобур нега “сўфи” ва “мутасаввиф” атамаларини алоҳида ажратиб кўрсатган? Бобурнинг катта замондо-ши Абдураҳмон Жомий “На-фаҳот ул-унс” асари муқадди-масида тасаввуф истилоҳла-ри таърифи турли давр олим-лари томонидан турлича тал-қин этилиб, доимо ўзгариш-га учраб турганини таъкид-лаб, қуйидагиларни ёзган: “Абу Абдураҳмон Муҳаммад бин Хусайн ас-Сулманий ан-Нисобурий дин улуглари ва яқин (эътиқод, ишонч) аҳли буюқлари ҳамда зоҳирий ва ботиний илмлар ўртасини боғловчи тариқат машойихи-нинг ҳислат ва аҳволи баъни-

Мухлис ва муридлардан бит-таси буларни йиғиб, китобат қайдида киритган. Бу асар ҳам сўфиянинг орифлик ҳақиқат-ларини ўз ичига олган шариф мажмуа бўлган. Бироқ унинг алфози ҳиротликларнинг ўша пайтда расм бўлган эски тили воситасида юзага чиққан эди. Ундан ташқари котибларнинг илгариги матнларни хато ўқиш, янгисини эса бузиб талқин этиш каби камчилик-лари шу даражага бориб ет-ганки, асарнинг кўп ўринла-рида мақсадни англаш қийин бўлиб қолган... Шу сабабли, билганларимни замонамизда расм бўлган иборалар воси-тасида баён илгига терсам... ва асарини муҳаммад қилсам, деган фикрга келдим. Бу иш менга 901 йилда (1495-1496 йиллар ораллигида — **И.Б.**) дарвишларга дўст ва эъти-қодли иҳлосманд, дунёвий ишлардан безор, фақр юму-шида ботир Амир Низомид-дин Алишер майлу истакли ва кўнглили ҳолда давлат манса-бининг олий мартабасидан воз кечиб, фақру фано йўли-нинг сулуқини олқишлагач, бу

йўлда яна икки тоифа бор-лигини айтди. Бу Ҳақ то-либларидан биринчиси “му-тасаввиф”лар бўлиб, Жомий уларга шундай таъриф бе-ради: “Мутасаввуф ул жа-моатдирким, нафснинг айрим сифатларидан хал-лослик топишган ва сўфийларнинг айрим аҳвол ва авсофи билан та-сифланиб, аларнинг аҳволи ниҳоятининг илк аломатла-рига эга бўлишган. Лекин ҳали қалби тубида нуфус си-фотининг қолдиқлари ёпи-шиб қолгандир. Шу сабабли, улар аҳли қурб (Худого ақин кишилар) ва сўфиянинг ўта ва чексиз вусули(улашиш)-дан чекинган бўладилар”.

Демак, сўфилар ўз нафс-ларини бутунлай тийган ки-шилар бўлишса, мутасаввиф-лар ҳали дунё ишларидан тўлалигича халослик топма-ган Ҳақ йўли кишилари экан. Шу таърифдан келиб чиқиб айтсак, Бобур “Бобурнома”да тилга олган сўфи ва мутасав-виф атамалари истилоҳ сифа-тида айри-айри маънога эга бўлиб, уларни бир хил тушў-ниш асло мумкин эмас.

Хондамар “Ҳабиб ус-сийр”-да Камолиддин Хусайн Гозур-гоҳийнинг асли Табас шаҳри-

Умр ибрати



Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Неймат Аминовнинг (1937 — 2005) “Бир аср ҳикояти” (“Темирчининг тиллолари”) рисоласи (“Ўзбекистон” нашриёти, 1995) чоп этилганига йигирма йил бўлибди. Мазкур нашрнинг илк саҳифасидаги “Муаллифдан” сўзбошида: “Иншооллох, бу битикларни ҳам ўқийдиганлар топила”, дейилган. Рисолани ўқиш жараёнида бу битикларни излаб топиб ўқийдиганлар бисёрлигига амин бўламиз. Чунки бу китоб ҳалоллик, меҳнатсеварлик, сабр-қаноатдан сўзлайди. Халқ донишмандлигини мужассам этган уста Амин бобо Нуруллобой ўғли — элмизининг суюкли ёзувчиси Неймат Аминовнинг падари бузруквори айтган нақллар бугунги кун одамлари, айниқса, ёшлар жон қулоғи билан тинглаши лозим бўлган чўнг ҳаётий ҳикматлар. Бу нақллар ўқилганда худди мўсафид донишманд меҳр нигоҳини тикиб сиз билан гурунглашаётгандай таассурот қолади. Бундай рисолалар ўқилмайди, балки суқут сақлаб, эътибор билан тингланади. Чунки уларда минг йиллар оша келаётган халқ даҳосининг ҳаёт фалсафаси содда, самимий тарзда ўз ифодасини топган.

“Ҳали ҳаёт чоғларида отамдан эшитганларимнинг айримларини ўз ҳолича, айнан қоғозга тушириб қўйган эдим. Орадан анча ўтгач, ўқиб қарасам, бу ёзувлар кўзимга тўтиёдек қўринди”, деб ёзган эди муаллиф. Дарҳақиқат, кўзларга тўтиё айласа аризулик нақлларнинг бир қисми қуйида эътиборингизга тақдим этилаётир.

— Отажон, мана, тўксон олти ёшга кирибсиз, сизнингча, узок яшашнинг сирини нимада?
— Нима дейди?
— Узок яшашнинг сирини нимада, деб сўрашгилар.

— Ҳа-а... сирини билмайман. Пар-вардигор мана йўқ жойдан бунёд этди: қўл берди, оёк берди, кўз берди, қулоқ берди, ризку рўз берди, покдомон хо-тин насиб этди, ақли қомил фар-зандларни берди. Бир умр шукр қилиб яшадим. Узок умр берди, унинг сирини ҳам ўзи билади-да, муҳбир бачам. Энг олий сирдон Яратганнынг ўзи.

Тўксон олтига кирдим. Кўзим хира, қулоғим эшитмайди, оёқларимда дар-мон йўқ. Билмадим, бир куни қари-сам, нима бўларканман?
Отам раҳматли жуда миришкор дех-қон эдилар. Ҳар баҳорда қовун эккан-лариди икки-уч жўғга зомича(ҳандалак), яна бир парча ерга исли зомича экар-дилар. Ҳаммадан аввал ана шу исли зомича сарғайиб пишарди. Уни еб бўлмасди: фақат хидлардийиз. Бирам хушбўй, бирам черайли эдики, кўлти-нингизга биттасини солиб юрсангиз, шамол кунлари хиди бир чақиримга тараларди. Одамлар қовун пишмасда-нок унинг хидидан мазза қилардилар.

Онам раҳматли бир куни Мукаррам оламга, ана бу исли зомичага суқ били қараб, тез-тез искаб тур, буни иси юрак ўйноғига даъво, яна бўйингдаги бачанг ҳам қувват олади, деганларни кечагидай эсимда... Кейин билсам, қариларнинг ҳар бир гапи ҳикмат экан...

— Неймат!
— Лаббай, ота?
— Нечага кирдинг?
— Эллик бешга.
— Она қорни билан эллик олтига-да? Демак, камида эллик йиллик гап-ни ақлинг олса керак. Энди айт-чи, мана бирор марта арақ ичганимни кўрганмисан?
— Йўқ.
— Ёмон йўлга юрганимни ёки би-ровни ҳаққини еганимни кўрганмисан?
— Йўқ.
— Унда нега арақ ичасан?
— Кўп ичмайман-ку, ота... Энди, кеча меҳмонлар билан жиндай...
— Худого пайгамбар ҳаром қилган нарсани нега ичасан? Ахир, арақнинг ўзи кўзачага қамалган жин-ку! Яна жиндай дейди-я...

Бодом гуллади, шафтолию зардо-ли гуллади, олма гуллаб ҳосил тугди, сан қачон гуллайсан, Болта? Ахир, сан тенгиларнинг кўпчилиги бола етаклаб юрибди...
— Саид Аҳмад, бу Саидахоннинг вафотлариға қанча бўлди?
— Йигирма йил.
— Сизгаям қийин бўлди-да ука. Ҳа, биров олдин, биров кейин, нима қила-миз энди, тақдир азал шу экан-да. Айтмоқчи, нечага бордингиз, ука?

— Йиллим қўй, етмиш учга кирдим.
— Ўх-ўх, ҳали ёш бола экансиз.

Онангни туш кўрибман, ўғлим. Ясанган-тусанган эмиш. Черайли, ку-либгина турибди раҳматли. «Ҳа, она-си, пасонла зўр-ку!» — дебман. «Ҳали-ям рашкингиз қолмабди-да, Мухаб-батдан бир хабар олиб келай», дер-миш. Э, ана... опангни ўзи келиб қолди. Болта... Мухаббат, тезда бо-риб онангни қабрига дуойи-фотиҳа қилиб келинглар, тушимага кирибди, руҳи очикқанга ўхшайди.

Эсингда бўлсин, кўпам «Э, худо», «Э, Оллох» дейишга одатланма. «Э»да иддао бор. Парвардигорга зурна қил-моқчи бўлсанг «Ё, худо!» «Ё, Оллох!» — де. Шуниси тузукроқ...

Бу дунёга келиб, уч нарсдан ҳазар қилдим: биринчиси — тилло, иккинчи-си милтиғу таппонча, учинчиси — қадах. Шу учаласини қўлимга олмадим.

Темирчи бўлиб пичоқ ясамадим, қурол ясамадим. Уроғу кашкорд яса-дим — одамлар бугдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим — деҳқонлар ариқ қазиб, сув тарасин деб. Кў-ўп қапқир ясадим. Яна-чи, асов отларни

тақаладим — жониворларнинг туёқчи-налари оғримасин деб.

Зинҳор-базинҳор бировни қарғаш-га одатланма. Худого хуш келмас экан. Оллох таоло: «Мен яратган бандани қарғашга сани нима ҳаққинг бор, яхши-ёмон қилмишини ўзим кўриб турибман-ку, қандай жазога лойиқли-гини ҳам ўзим биламан», деркан.

Кишлоғимиздаги муфти Соли раҳ-матли бир гапни такрорларди. Ода-мизода уч ҳислат бўлиши — мукам-маллик ақлига экин. Булар: нутқи тома, зийнати жома, маъқули омма. Яъники, бу — нутқинг донда-дона, ра-вон бўлсин, чопонинг тоза ва кўрим-ли бўлсин, ўзинг эса ёқимли, маъқул бўл, дегани экан.

Неъмат АМИНОВ

ТЕМИРЧИННИНГ ТИЛЛОЛАРИ

— Нейматулло!
— Лаббай, ота?
— Бу, Шариф Нурхон деган шоир чиқибдими? Кеча радиёлда жуда баъ-мани шеър ўқиди-да, «Ота-онанг» де-ган. Сен билан танишишги бор экан, бирон кун олиб кел, чақ-қаллашиб ке-тади... Бошқа арақхўр шоир жўрала-рингни илакиштирма, бир ўзини айт, яна анжуман қилиб юрма.

— Неймат, бу, сан гапирган киши-лар қўл остингда, жамоангда ишлай-дими?
— Ҳа.
— Санга бир гапни айтаман. Эсинг-да тут. Бошлиқ деган ўз жамоасининг кўрпаси бўлиши керак. Яъинисини ҳам, ёмонини ҳам кўрпа бўлиб устини ёпсин. Наинки ҳаммага дoston қилиб юрса?

Буқангир ипи узун бўлса, девор-ни тешаркан.

— Элмурод!
— Лаббай, того бобо?
— Сизга бир гап айтаман, ёдингиз-да тутинг. Қаранг, Оллох Президентимизнинг кўнглига солиб-дими, сизга туман ҳокимлигини ишо-ниб топириб қўйибди. Қўлингиз ис-таган нарсанга етади. Аввало, икки

нафсга эҳтиёт бўлинг. Кейин, товук-нинг туҳумини енг-у, зинҳор ўзини ей-ишга одатланманг. Сиздан олдинги-лар нафақат товукнинг ўзини, балки эгасини ҳам қўшиб еб юборганлар. Кўриб турибсиз-ку уларнинг аҳволи-ни...

Зинҳор гаворани чақоқсиз теб-раттулик қилмасин экан.

— Онанг билан турибсанми, Лай-лош?
— Йўқ, усто бобо, онам “дом”да ту-рибдилар. Келин ҳовлига сифдирмади.
— Онангни тўппидек қорнига сан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа сикқанда, онанг сенинг ҳайҳотдек ҳовлингга сиграбди-да!?

Ҳаво булут бўлса, икки киши гуноҳ-

кор бўларкан. Чунки биттаси: “Ёмғир ёғадим” деса, иккинчиси: “Йўқ, ёмғир ёғмайди”, дейди. Гумроҳ бандалар-да, “Худо билади”, деса-ку бўлади.

Юзма-юз келганда сандан аттайи салом кутган такаббур кишига албат-та салом бер, бир еринг камайиб қол-майди.

Раҳматли Шариф Нурхон Бухорода қашаб, қашоқликда ўлиб кетган Нақ-шоҳ гадо деган шоирнинг бир байти-ни тез-тез такрорлаб юрарди:
Кўп бўлсанг кетади,
Кам бўлсанг етади.
Энг катта бойлик — бу қаноат.

Зинҳор бу ёлғончи дунёда ўлиқдан жон, гадоидан садақа, хасисдан на-сиба, товукдан сут сўраманглр.

Текин теша хуржун тешар.

Жиянларимдан бири уч яшар ўғил-часини белига миндириб олиб уй ўртасида эмаллаб юрар, бола қийчи-риб: «Ишша-ишша... хик!» дер эди. Бу ҳолни кузатиб турган отам мийикла-рида қулиб:
— Ўғлингга эшак минишни ўргатяп-санми? — дедилар унга, — «Ишша...

хик!» ни ўргатгунча «Чух» дейишни ўргат, шунда ўзинг-ҳам ол ўрнига эшак бўлмайсан, ўғлинг ҳам ҳақиқий чаван-доз бўлиб етишади.

— Э, қўй мани, қўй азоб берма. Емайман... Ҳазал қўиб бўлинди. Қани, қўлингни бер, тайлоғим... Бу дунёда энди қиладиган ишим қолмади. Бун-дай ўйлаб қарасам, отамдан кўп яша-дим, онамдан кўп яшадим, акамдан кўп яшадим, синглимдан кўп яшадим, яккаю ағона укам борида, уям бултур оламдан ўтди... Бўлди-да, энди, яна нима керак манга? Фақат, дуо қилинглр. Оллох таоло имонини ба-саломат қилсин...

Отажон, оғзингизни очинг, икки дона узум енг.
— Емайман...
— Келинг, йўқ деманг энди.
— Онажоним, барражоним, эрка қизим, қўй энди, мани кўп қийнама...
— Йўқ деманг, биттагина енг.
— Хўп... ана... уф... қалай, мала-дес бўлдимми энди?

— Бобожон!
— Жоним, жоним! Дилбаржон...
— Бир тилим қовун ейсизми?
— Ҳай... бўлди, онажоним, бара-ка топ, икки дунёнг сероб бўлсин.
— Қолганини ҳам енг, бобожон.
— Бўлди, барражоним, худойим тақ-дир қилган бўлса қолганини жаннат-да ерман.

— Ўзингга шукр, Парвардигор, бер-ган без-неъматларингга шукр, Худо-жон, нерзан умринг, берган ҳар на-фасинг, берган дардгиналаринг учун шукр, Художон... Неймат... шу ерда-мисан, кўзим, бизларни раҳматли Че-риқулбой ҳам қўзиларим, дерди. Қани, қўлингни бер, манга қара. Ҳаммаси намозадан кейин тугайди... Дастлаб Самад муаллимга хабар қўйинглр. Манга алифбонни ўргатган. Жанозани ихтиёрини Қароматовга қўй. Амон кел-тирган ўзбекча Куръонни домонинг Аҳматга бер, ўқисин... Қоқиштувондан усто Нурбойни айтиринглр...
— Ахир, у киши...

— Э, э... гапимга қулоқ сол, ўзи ўлган бўлса, ўғли, ака-укалари бор... Шофирконга, усто Қудратга тилпон қилинглр... Теша бобого мошин юбо-ринглр... Мандан бег қўрма... фақат омонатни соғ-омон Ҳаққа топшира олсам бўлди... Тана, ана шу тана қола-ди... Ҳеч нарсадан қўрма... лаҳзатга жасадимни ўзинг қўй, тайлоғим...

Рассом Турсун Шоймардонов Термизда яшайди. Бу кўхна шаҳарда янги замонда шундай катта ўзгаришлар содир бўлдики, энди ҳар тонгда гўё қадимги шаҳарнинг акс-садосини тинглаётгандай, мардлар шаҳри, деб ном олган бу маконнинг олис тарихини илғаётгандай бўлади.

Рассом Марказий Осиёда ягона бўлган турли осори-атикаларга бой Термиз археология музейига кириб, мозийга саёҳат қилади, шаҳарнинг саришталари катта бозорини оралаб, замондошларнинг бугунги юриш-туришини кузатади. Назарида, шаҳар майдонида юксалиб турган Алпомиш хайкали унга спорт мажмуаларига имо қилиб, ёш полвонлар томон йўл кўрсатгандай бўлади. Рассом асарларида ҳам ана шу руҳий саёҳат кечинмалари рангу шакллар кўзгусида барқ уради. Доира рақсларининг мардонаворлиги, чанқовуздаги шодон чорловлар, най ва сибизгадаги маъюс ноалар нафаси рассомнинг график туркумларига гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора кириб боради. Рассом асарларидаги ўтмиш садолари, бугунги кун одамлари кечинмалари вақт ўтиб, график чизгилардан рангтасвир оламига айланади. Бугунги кунда график рассомларнинг дастгоҳли рангтасвирда ишлаши анъанага айланиб қолди. Турсун Шоймардонов ижоди ҳам бундан истисно эмас.

Рассом билан илк бор Самарқандда яшайдиган таниқли график Нуриддин Калонев уйда танишган эдим. Бўй-баста баланд, сочлари жингалак, кўзлари қулиб турадиган бу йигит нимаси биландир қўшиқчи хонандаларга ўхшаб кетарди. Буни қарангки, у ўша окшом даврадагиларга мумтоз қўшиқлардан хиргойи қилиб, барча ўзига мафтун этди. Кейинчалик унинг асарларини синчиклаб томоша қилганимда, уларда рассом қўшиқларига ҳамоҳанг бир пластик жозибани сездим. Ўшанда Турсун Самарқанд архитектура ва қурилиш институти битириб, шу ерда рангтасвирдан дарс бераётган эди. Бу график рассом ҳақидаги қолган маълумотларни "Самарқанд рассомлари" деб аталган каталог-китобдан билиб олдим.

Турсун Шоймардоновни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида профессионал ижод майдонига қадам қўйган илғор рассомлар авлодига қўшиш мумкин. Республика ва халқаро кўргазмаларда "Қирқ қиз ҳақидаги афсона" (1989), "Сангардак" (1989) туркумлари, "Севишганлар" (1990), "Сумалак" (1990), "Тўй" (1990) каби асарлари юқори баҳоланди. Рассомлик фаолиятининг дастлабки йилларида Самарқандда баракали ижод қилди, дўстлар ортириди, бадий муҳитда товланди. Бу ердан етишиб чиққан миниатюрчи рассомлар Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Нодир Самарқандийларнинг катта ижодий меросини

ни ўрганди. Аммо улардан олдин термизлик ота-бола мусаввирлар — Мир Мусаввир ва Мир Саид Алилар тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб, ўша салтанатда янги тасвирий санъат мактабига тамал тоши қўйганларидан хабари йўқ эди. Ўз туғилган юртига қайтган, ана шу мусаввирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида анча-мунча маълумотларни билиб олди. Мустақиллик даврида яратилган қатор асарлари 2009 йилда Термиздаги Археология музейи залларида намойиш

хаво илик, манзаралар рассомбоп, чор атрофда, чорбоғлару хибонларда, еру осмонда сариқ, қизил ва кўк каби ўткир ранглар жилоланарди. Мана шундай ранглар суртмаси Турсун асарларида бежизга мўл-кўл эмаслигини англаш қийин эмас. Рассом асарларида она юртнинг табиий манзаралари,

Рассом ва замон

одамлари гоҳ бўрттирилиб, гоҳ шиддатли тарзда акс эттирилган, уларнинг ҳар бирида хотиралардан қолган илик таассуротларни уйғотиб юборадиган сеҳрли куч бор эди. Оламни, еру осмонни, одамларни, меҳру муҳаббат ва тошқин дилларни ана шундай ҳолатда томошабинга етказиш Турсун Шой-

дарё олами таъсири катта бўлди. Хусусан, унинг этнографияси, фольклори, рақслари ижодкорнинг ўз дастхатини яратишида кучли туртки берди. Болалик йиллари ўтган Денов туманининг Охлар қишлоғи, унинг ўзига хос табиати, содда, ҳазилкаш, бағрикенг одамлари суҳбатларидан илҳомланди. Айниқса, асарларида отасидан эшитган ҳикоялардан тез-тез фойдаланарди.

Рассомнинг "Севишганлар" асари ота-онасига бағишланган гўзал хотирадир. Унда муаллиф оила аъзоларининг ўзига хос дунёси нозик дид билан тасвирланган. "Икки йўловчи" асарида ҳам қишлоқ лавҳаларидан унумли фойдаланиб, отаси ва аммасининг жозибали тиссолларини яратган. "Нон бозори", "Оила", "Суҳбат", "Велосипед" каби картиналарида эса бола-

ҲАЁТ — ИЛҲОМ БУЛОҒИ

Биз қадим ва бой тарихга, юксак маънавият ва маданиятга эга халқимиз. Мустақиллик йилларида ана шу бой маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш, аждодларимиз яратган юксак бадий ижод намуналарини тар-

Дил изҳори



мўйқалам соҳиби учун туғилиб ўсган диёри, она табиатининг сержило ранглари ҳамиша илҳом бағишлайди.

Энг муқаддас ва буюк байрам муносабати билан Президентимиз фармонига кўра юксак даражада эътироф этилган юртдошларимиз сафида эканимдан қувончим чексиз. Камтарона хизматларимнинг эътироф этилишидан миннатдорман. Тинч ва осойишта, фаровон юрtdа яшамоқ, бағрикенг ва меҳнатсевар халқ билан бирга Ватан равнақи учун хизмат қилмоқ олий саодатдир.

Феруза БАШАРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Китобдан яхши дўст бўлмас

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти "Art-Press" дизайн фирмаси билан ҳамкорликда "Гўзаллик яратишга интилиб", деб номланган кўркем албом-китобни ўзбек, рус ва инглиз тилида босмадан чикарди. "Миллий санъатимизнинг қадим ил-

ни таъминлаш, миллий тасвирий ва амалий санъатимиз халқаро маданий ҳам-жамиятда ўзининг муносиби ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Бадий академиясининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Шу ва шунга ўхшаш жараёнлар албомнинг "Бадий академия — мустақиллик фено-

"ГўЗАЛЛИК ЯРАТИШГА ИНТИЛИБ"

дизлари", деб номланган илк бобда Ўзбекистон ҳудудига санъатнинг илк кўринишлари вужудга кела бошлаган палеолит давридан XX аср бошларигача бўлган узок ва сермазмун тарихнинг асосий нукталарига эътибор қаратилган. Ана шу даврда, айниқса, XIV аср охирида Соҳибқирон Амир Темур томонидан йирик салтанатга асос солиниши санъат ва ҳунармандчилик тараққиётида янги босқични вужудга келтирган эди. Кейинги бобда XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон тасвирий санъатида рангтасвир устуворлик қилгани, Л.Абдуллаев, Б.Ҳамдамий, У.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Ш.Ҳасанова, М.Набиев, А.Сиддиқий, Ч.Аҳмадов сингари мўйқалам усталари жохон тасвирий санъати анъаналаридан баҳраманд бўлгани таҳлил қилинган. 1980-йилларнинг сўнгига келиб, ижодкорларимизда миллий ўзликини англаш туйғуси кучайиши натижасида бадий анъаналарга, қадимги ва ўрта асрлар санъати, халқ ҳунармандчилигига бўлган қизиқиш кучайди, айна пайтда, ижод эркинлиги тантанаси қилган Истиқлол даврига қадам қўйилди.

1991 йили Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши маданиятимиз ва санъатимиз тараққиёти тарихида янги саҳифа очди. Янги тарихий шароитда тасвирий ва амалий санъатимиз тараққиёти-


мени" бобида мазмунли таҳлил қилиб берилган.

Китобнинг "Академиклар" деб номланган бобида XX аср портрет жанрининг буюк вакили бўлган Абдулҳақ Абдуллаевдан тортиб, Ғиждувон қулолчилик мактаби анъаналарини изчил давом эттираётган Алишер Нарзуллаев сингари халқ устаси — академикларни кўрамаиз. Ушбу бобга илова қилинган юзга яқин турли жанр ва услубдаги асарлар Ўзбекистон бадий санъати ҳақида тасаввур ва билимларимизни янада бойитади. "Муштарак мақсад йўлида" ва "Келажак санъати уфқлари" бобларида бугунги кунда қизгин ижод қилаётган турли авлодларга мансуб мўйқалам усталари қаторида ёш истеъдодларга ҳам кенг ўрин берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган "Гўзаллик яратишга интилиб" албом-китобининг ижодий лойиҳаси раҳбари Ўзбекистон Бадий академияси расиси Акмал Нур. Матн муаллифлари — академик Акбар Ҳакимов ва профессор Камола Оқилова. Уни тайёрлашда дизайнер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Пётр Анненков, нашриёт муҳаррирлари Аҳор Аҳмедов ва Барнобек Эшпўлатовлар иштирок этишган.

Мафтуна ШОДИЕВА

ЖОЗИБ РАНГЛАР ЖИЛОСИ



этилди. Ўша йили Тошкентдан келган бир гуруҳ таниқли рассомлар, хусусан, Ўзбекистон Бадий академияси академиклари — Баҳодир Жалол, Владимир Бурмакин, Саъдулла Абдуллаев, таниқ-

мардоновнинг энг катта ютуғи сифатида кўринди. Бундай ютуқларнинг замирида, шубҳасиз, унга илк ижод сирларини ўргатган устози, Самарқанд архитектура ва қурилиш институтида рангтасвирдан дарс берган Номоз Султоновнинг ҳиссаси катта эди. У ҳақда рассом шундай хотирлайди: "У киши жуда мулоим, айна пайтда, талабчан мураббий эдилар. Номоз аканинг ин-

ститут биноси ичида мўъжазгина бир устахонаси бўларди. Шу ерга келиб, устознинг иш л а ш и н и эшик қалити бураладиган жойидан соатлаб пинҳона кузатардим. Кунларнинг бирида устоз мени мана шу ҳолатда тутиб олди. Шундан сўнг устахонасига киришимга рухсат берди. Орадан ўтган беш йил ичида анча ишлар қилишга улгурдим. Ўша йилларда Тошкент театр ва ра с с о м л и к санъати институти битирган Нуриддин Калонев бизга мураббий (кафедра мудири) бўлиб келди. У киши менга ли-



ли рассомлар Иброҳим Валихўжаев, Муртазо Эргашев, Аслиддин Исаев, Алишер Алиқулов ва бошқалар унинг асарларига юксак баҳо беришди, бир овоздан: "Бу рассом ижоди биз учун топилма бўлди", деб таъкидлашди.

Ўша кунлар Сурхонда декабрнинг охирлари бўлишига қарамай,

ногравюра, қаламда ишлаш сирларини ўргатди.

Илк ижодий интилишларимда Номоз ака, Нуриддин акаларнинг берган ёрдамларини сира унутмайман".

Самарқанд муҳити Турсунга рассомлик сирларини ўрганишда катта имкон берди, аммо ижодий услубининг шаклланишида Сурхон-

АВАНГАРД ХАЗИНАСИ

Замонавий Нукус шаҳрининг кўркига айланган Савицкий номидаги санъат музейини авангард рассомларининг энг сара ижод намуналари жамланган хазинага қиёслаш мумкин. Музейда ташкил этиладиган ҳар бир кўргазма жохон маданий ҳаётида ўзига хос воқеага айланишининг сабаби ҳам шунда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан очилган "Ипак ранглар жилоси" кўргазмаси кўнлаб хорижлик мутахассислар эътиборини жалб этмоқда.

Ушбу кўргазма таниқли рангтасвир усталаридан бири, бетақдор мусаввир Александр Волков ижодида бағишланган. Мухлислар рассом ижодининг турли даврларига оид саксонга яқин картина билан танишиш имконига эга. Улар орасида супрематизм, кубизм, примитивизм каби йўналишлардаги ёрқин изланиш намуналари ҳам бор. Кўргазмада машҳур рассомнинг қайта таъмирланган ўндан ортиқ картиналари ҳам намойишга қўйилган.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлиги бугун маданият соҳасида ҳам тобора ривожланиб бораётди. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Global Bridge Festival" фестивалининг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон давлат тарих музейида "An'ang-The Soul of Korea" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Корея республикасининг миллий этнография музейи қошидаги "Jeongseon An'ang" тадқиқот институти ташаб-

буси билан ташкил этилган ушбу тадбир ЮНЕСКО рўйхатида киртилган корейс халқ қўшиғи — ариран тарихига бағишланган. Кўргазмада икки юзга яқин экспонатлар намойишга қўйилган. Улар орқали корейс халқининг кундалик турмуши, урф-одат ва анъаналари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Тадбирнинг очилиш маросимида корейс санъаткорларнинг миллий чолғулар жўрлигидаги концерт дастури намойиш этилди.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ

Красноярскда Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатларининг IV халқаро муслиқ фестивали бўлиб ўтди. Ўттиздан ортиқ мамлакатдан таширф буюрган ижодий жамоалар орасида "Эл мероси" тарихий либослар театри ҳам ўз томошаларини намойиш этди.

Хозирги кунда Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган "Эл мероси" театри анжуманда янги ижодий дастур тақдимотини ўтказди. Томошабинлар эътиборига ўндан ортиқ ўзига хос бичимдаги миллий либослар тўплами ҳавола этилди, уларда мумтоз ва замонавий анъаналар уйғунлашувини кўриш

мумкин. Ёрқин ранглар жилоси, шарқона нафислик, табиийки, ҳеч бир санъат ихлосмандини бефарқ қолдирмади. "Эл мероси"нинг ижодий дастури фестивалнинг энг ёрқин қишқларидан бири сифатида эътироф этилди. Айниқса, миллий либослар ва халқона куй-қўшқлар уйғунлигидаги ўзига хослик муҳлислар олқишига сазовор бўлди.

ОЛИС ВА ЯҚИН УММОН

Темурийлар тарихи давлат музейи шу кунларда Шарқ халқларининг маданий анъаналари туташадиған ўзига хос чоррахага айланган. Бу ерга йўли тушган одам борки, албатта, Уммон султонлигидан таширф буюрган фольклор ансамбли куй-қўшқилари муҳлисига айланади. Нафис наволар оҳанрабои сиэни яқинда очилган "Олис ва яқин Уммон", деб номланган кўргазмага чорлайди.

Уммон султонлигининг мамлакатимиздаги элчионаси ташаббуси билан ўтказилаётган тадбир икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар тобора кенгайиб бораётганини намойиш этади. Кўргазмадан ўрин олган экспонатлар Уммон халқи босиб ўтган тарихий-маданий йўл ҳақида батафсил маълумот беради. Ноёб ҳужжатлар орасида қадимий тангалар, маркалар, икки юз йиллик тарихга эга газеталар, эски хариталар сингари осори-атикалар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўтмиш воқеаларидан сўзлайди.

Дарвоқе, кўргазма доирасида юрти-миздаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасида Уммон тарихи, ижтимоий-маданий ҳаётига бағишланган танлов ҳам ўтказилади. Унинг ғолиби эса ушбу мамлакатга саёҳат қилиш имкониятини кўлга киритади.

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ




Пойтахтимиздаги Икуо Хираяма маданият карвонсаройида япониялик таниқли мусаввир Йошико Сайтонинг бадиий эмаллаш санъатида бағишланган маҳорат дarsi ташкил этилди. Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир кўнлаб таниқли ижодкорлар ва талабаларни жамлади.

Тадбир давомида рассом ўз тажрибалари билан ўртоқлашар экан, бадий эмаллаш санъатининг тарихи, унинг япон тасвирий санъатидаги ўрни ҳақида ҳам батафсил маълумот берди. Шунингдек, йиғилганлар мазкур санъат турида фойдаланиладиган технология, унинг мураккаб хусусиятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

ДУНЁ ҲАЙРАТИ

Американинг машҳур "Huffington Post" интернет нашри Самарқандни ҳар бир инсон ўз умри давомида зиёрат қилиши зарур бўлган эликта шаҳар сафига киритди. Таъкидлаш жоизки, Ҳамдўстлик мамлакатларидаги шаҳарлар орасида биргина Самарқанд бундай юксак эътирофга сазовор бўлган.

"Huffington Post"нинг маълумот беришича, Соҳибқирон Амир Темур пойтахтини зиёрат қилиш бахти насиб этган сайёҳлар бу манзилни Буюк Ипак йўлида жойлашган энг мафтункор шаҳарлардан бири сифатида қайд этган. Айниқса, мусулмон меъморчилигининг гўзал намуналаридан бири ҳисобланган Регистон мажмуаси барча хорижлик меҳмонларни ҳайратга солган. Интернет нашри мутахассислари фикрича, яқин йиллар ичида Самарқанд сайёҳларни жалб этиш борасида Афина, Рим, Лондон каби Европа шаҳарлари ҳам орtdа қолдириши мумкин.



Тақдимот

НУРАФШОН ЎЛКА ИЛҲОМЛАРИ

Ёзувчилар уюшмасида қозоқ тилида ижод қилаётган ҳамюртларимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган "Нурафшон ўлка илҳомлари" номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирни таниқли шоир ва оқин Маҳкамбой Умаров очиб, "Нурафшон ўлка илҳомлари" китобининг мазмун-мундарижаси ва яратилиш тарихи ҳақида сўзлади.

Уюшманинг Халқаро алоқалар ва бадий таржима ҳамда Қозоқ адабиёти кенгашлари ҳамкорлигида тайёрланган ушбу китобда қозоқ тилида ижод қилаётган олтимишга яқин юртдошларимизнинг Ватан, мустақиллик, она табиат, дўстлик ва муҳаббат мавзудаги шеър ва насрий асарлари тўпланган. Қозоқ ижодкорларининг бундай китоби мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда илк бор нашр этилди ва қозоқ шеърятини ихлосмандларига ажойиб тўхфа бўлди.

Ўзбекистондаги Қозоқ маданияти марказининг раиси Марат Укубоев, жамоат арбоби Турсунмат Қалбаев, журналистлар Ахан Тошметов, Қатир Нурбоева, Анар Налибаева, Бахтиёр Ҳайдаров, адабиётшунос олим Дилшод Айтбоев, шоирлар Лола Жунусова, Рустам Мусурмон, Бўрон Қодиров, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Ойдона Нурбоева ва бошқа ижодкорлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган улғувор ишлар, замондошларимизнинг бунёдкорлик фаолияти, юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти қозоқ тилида ижод қилаётган қаламқашларга ҳам илҳом бағишлаётгани, шеър, ҳикоя ва бадий публицистик мақолалар яратилаётгани тўғрисида гапирдилар.

Китобга ижод намуналари кирган шоирлар ва ёш ижодкорлар Ватан ва мустақиллик мавзудаги шеърларини ўқидилар.

Ўз муҳбиримиз

Янги нашр

“ҲОЛВА ЕМАГАН БОЛА”



Инсон — орзу қилишдан ва умидлари рўёбини қуттишдан сира чарчамайдиган мавжудот. Борди-ю ҳаёти давомида орзулари рўёбини кўра олмаса, ўзи учун армонга айланган умидларга фарзандлари эришишини истайди. Айни шу эзгу мақсад уни фарзанд тарбияси билан шуғулланишга ундайди.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси адабиётнинг азалий мавзуларидан. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган Илҳом Зойирнинг “Холва емаган бола” қиссаси болалар адабиёти хазинасига муносиб совға бўлди.

Умр йўллари ажиб, қисматлар турли-туман. Ҳаётий воқеалар асосида ёзилган ушбу қиссада Вафо исмли ўспириннинг гоҳ маҳзун, гоҳ шукликларга қоришган ҳаёти қаламга олинган. Китобхон қиссани ўқир экан, беихтиёр ўзининг болалик чоғлари ёдига тушади, асар қаҳрамонининг ҳаракатлари беғубор болалик шўхликларини эслатади.

Асар турфа воқеаларга бой олти бобдан иборат. И.Аҳмедов муҳаррирлигида нашр қилинган бу китоб муаллифининг отаси айтиб берган эртақлар асосида ёзилган. Китобга ёзган сўзбошида ёзувчи отасининг фарзандларига эртақ айтиб беришдан чарчамаслиги, гоҳ эртақ ичида юргандай овози титраганча тўлқинланиб сўзлашини хотирлайди. Ота қалбидagi армонлар эртақ тарзида болалар қалбига сингиб боради. Отанинг бой ҳаётий кузатишлари асар мазмунини бойитиб, унга қизиқарли чизилар бера олган.

“Холва емаган бола” китобини болалар ва уларнинг ота-оналари учун ўзига хос ҳаётий сабоқлар мажмуи, десак янглишмаймиз.

Азизахон ИЛЁСХОНОВА,
ЎЗМУ журналистика факултети талабаси.

“Ёшлар” телеканали орқали намойиш этилаётган “Имкон-шоу” мухлисари оз эмас. Яқинда шу кўрсатувнинг навбатдаги сонини кўриб қолдим. Унда бир неча ёш санъаткорлар иштирок этди. Бошқаларни билмадим, аммо мен дастур тугагунча асабийлашиб ўтирдим. Кўнгли очар телелойиҳага ҳеч қандай эътирозим йўқ, аммо иштирокчилар ҳақида озгина гапим бор.

Индалло-сини айтганда, экранда санъаткорларимизнинг, айниқса, ёш “юлдуз”ларнинг интел-лектуал салоҳияти қай даражада экани очикдан-очик ошқор бўлаётди. Масалан, “Имкон-шоу”даги шартлардан бири — пантомима, яъни, сўз ишлатмай ҳаракат орқали маънони тушунириб бериш. Бахс юритаётган гуруҳлардан бирига виллоятларимиздаги туманларни пантомима орқали кўрсатиб бериш шарти тушди. Яққабог туманини топиш жараёнида иштирокчиларнинг “мажнунтол”, “яккачинор”, “дарахт”, “терак” деб қичқиришлари назаримда, кўпчилик мухлисларни ҳам ҳайратга солган бўлса керак. Эҳтимол, бу туманини пантомима орқали ифодалаётган қатнашчи ишини мукамал бажармаётгандир. Бироқ ҳар бир одамга


ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ
ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР

ўйлаб гапир”, деб бежиз айтмайди.

Бу ҳам майли. Қатнашчиларнинг худди шу шартда ўзбек халқ мақолларини билишмаганига нима дейсиз? Бошловчи бечора, “юлдуз”лар шарманда бўлмасин, деб мақолнинг яримига айтаяпти ҳамки, топишолмайди. Ўйин қоидаси бўйича мутлақо бундай қилмаслик керак, аслида. Оддий нарсаларни топишга ақли етмаётган “санъаткор”ларнинг ахволига бир қулгинг келади, бир ҳайратдан ёқа ушлайсан. “Имкон-шоу”да ўзини кўрсатиш учун келган бу “юлдуз”ларга қараб ачинасан.

Сарвар РАҲИМОВ

ЭЗГУЛИК БЕИЗ КЕТМАЙДИ



Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинган “Ота” бадий филмининг премьера олди намойиши бўлиб ўтди. Таниқли актёр Абдухалил Мигнаров режиссёрлигида яратилган ушбу картинада ота билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, одамлилик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар ҳақида сўз боради. Вақтида фарзандлар

тарбиясига етарли эътибор беролмаган Мирсобиёт хатоларини тўзатиш, ногирон кенжа ўғлини даволатиш учун сафарга отланади. Йўлда улар кўплаб ибратли воқеаларга гувоҳ бўлишади. Охир-оқибат, ота эзгу иш ҳеч қачон беиз кетмаслигига ишонч ҳосил қилади.

— Янги филм ижодимдаги эсда қоларли воқеага айланди, — деди филм режиссёри А.Миг-

Янги филм



Эркин ФАҚИРОВ

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

“Музейлар ҳафталиги” доирасида Санъат музейида бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. 3 сентябр кuni мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ташкил этилган тадбирда тошкентлик кўгирчоқбоз-хунарманд Пўлатовлар оиласи ўзлари ясаган турли-туман кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

кўгирчоқлар, қовоқдан ишланган декоратив безаклар ҳамда сахна кўринишлари билан иштирок этган бўлса, 4 сентябр кuni ўрта таълим мактаби ўқувчиларига музей захирасидан ўрин олган

ифтихорим” кўрик-танловида биринчи ўринни кўлга киритган. 2014 йили Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг магист-

Музейлар ҳафталиги

ратура босқичини тамомлади. Кейинги вақтларда Ж.Жумаев бадий сомон санъати йўналишида изланиш олиб борапти. Бу санъатнинг сир-асрорларини устози Отабек Йўлдошевдан ўрганган. Ижодкор сомондан асосан тасвирий санъатнинг миниатюра йўналишида асарлар ишлайди.



Шерали ТЎРАЕВ

ДАНТЕ АЛИГЕРИ ҲИКМАТЛАРИ

- Шубҳа мен учун билганимдан кам ҳаловат бағишламайди.
- Ҳамдардлик — туйғу эмас; қалбнинг меҳр-муҳаббат, илтифот ва бошқа эзгу ҳиссиётларга мойил олийжаноб ҳолати.
- Бахтсизлик дамлари хурсанд чоғларини эслаган одам олий азобга маҳкум.
- Кўпинча одамлар вақт оқимига қараб сузади! Ҳолбуки, бизнинг омонат қайғимиз бошқарув чамбарагига эга; шундай экан, одамлар нега ўз интилиши сари сузмай инон-ихтиёрини тўлқинларда топиришар?
- Оёғим етган суварни ҳали ҳеч ким кечиб ўтмаган.
- Севишганлар тангрисига қарши борма: қандай воситалар билан курашсанг ҳам, барибир ютқизишга ишончинг қомил бўлсин.
- Ёлгон ва зўравонлик — ёвузлар қуроли.
- Дўзахнинг энг жаҳаннам жойи буюк маънавий ўзгаришлар палласи сукут сақлаб жим турганлар учун сақлаб қўйилган.
- Кимни вақти бекор кетаётгани ташвишга солса — ўша энг доно одам.
- Ўз йўлингда давом эт, одамлар нима деса, деярсинлар.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ
ҲАЁТИДАН

Габриэл Гарсиа Маркес сафдоши

Кубалик атоқли ёзувчи Элисео Алберто (1951-2011)нинг “Қаерлардадир изғиётган Эстер” деб номланган янги романи кўп минг нусхада босилиб чиқди. Бу серқатлам асар Гавананинг 1970-2000 йиллардаги манзараларини акс эттиради. Элисео Алберто машҳур шоир Элисео Диего оиласида таваллуд топган. У Гавана университети журналистика бўлимини битириб, Cine Cubano ҳамда Caiman Barbudo журналларида муҳаррирлик қилган, Гаванадаги Халқаро кино мактаби ва Мехико кинематографчилар тайёрлаш марказида сабоқ берган. 2000 йили Мексика фуқаролигини қабул қилган Э.Алберто бир қанча шеърли китоблар, романлар, бадий ва ҳужжатли филмлар муаллифи. Кино соҳасида Габриэл Гарсиа Маркес билан кўп йиллар ҳамкорлик қилган. Адибнинг романлари инглиз, француз, немис, португал, фин, поляк, турк ва хитой тилларига таржима қилинган. Насрий асарлари учун кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар соҳиби бўлган. “Гуантанамера” филми сценарийси учун Испания киносценарийчилар уюшмаси мукофоти билан тақдирланган.

Жожо Мойеснинг янги бестселлери

Таниқли инглиз адибаси Жожо Мойеснинг “Бир плюс бир” асари етим қиз ҳақидаги яна бир қизиқарли ва қутилмаган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Ёлғиз аёл Жес Томаснинг икки фарзанди бор. У эртадан кечгача бош кўтармай ишлайди. Ўн ёшли Танзи эса иқтидорли ва айни чоғда ғалати одатларга эга қиз. Бироқ унинг истеъдодини юзага чиқариш учун катталар, энг аввало, онасининг ёрдами зарур. Она эса ўзини бебош болалардан ҳимоя қилмайдиган ўғай ўғил Никки билан ҳам овора. Икки боладан ташқари баҳайбат кўппакка ҳам қараш керак — жониворни кўчага ҳайдаб юбориб бўлмайдик-ку. Жес Томас бу қийинчиликлар олдида эсанкираб, ҳаётим барбод бўлди, деб ўйлайди ва ноинсофлик йўлига қадам қўймоқчи бўлади... Айни шу кезде унинг ҳаётида ёқимтой Эд Никос пайдо бўладики воқеалар мароми ўзгара бошлайди. Қутилмаганда улар орасида муҳаббат туғилади. Асар бошдан охиригача эътиборни жалб этиб ўқилади.

Жожо Мойес 1969 йили Лондонда туғилган. Университетни битириб, “The Independent” газетасида фаолият олиб боради, 2002 йили адибанинг илк романи босилиб чиққан. 2004 ва 2011 йилларда икки марта романтик новеллалар уюшмаси мукофоти совриндори бўлган. “Сен билан учрашуга қадам” романи ярим миллион нусхадан кўпроқ миқдорда сотилган. Бу асар ўттиздан ортқ тилларга таржима қилиниб, “Нью-Йорк таймс” газетасининг бестселлар рўйхатига киритилган. “Метро-Голдвин-Майер” киностудияси асарни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди.

“На гул, на гулчамбар”

Биринчи жаҳон уруши бошланганига оз йил тўлиши муносабати билан таниқли француз адибаси Майлис де Керангалнинг “На гул, на гулчамбар” деб номланган повести жаҳон адабиёти мухлисарига тақдим этилди. Адиба 1915 йили Ирландия соҳилларида немис сув ости кемаси зарбасидан қўйиб кетган “Лузитания” йўловчи лайнерининг 1198 йўловчиси бошига тушган ҳалокат тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилади. Майлис де Керангал 1967 йили Франциянинг Тулон шаҳрида туғилган. Олис уммонлар бўйлаб сузувчи денгизчи капитанлар сулоласига мансуб. Парижда фалсафа, тарих ва этнология бўйича таҳсил олиб, 1991-1996 йилларда Галлимар нашриётида фаолият олиб берган. Спорт ҳақида мақолалар, саёҳатномалар ёзган. 2000 йили илк романи босилган. Ўсмирлар учун мўлжалланган ўнлаб китоблар муаллифи.

Тарихий ҳақиқат

Поляк адиби, тарихчи ва таржимон Виктор Костевичнинг “Ўз уйингдаги бегона уруш” деб номланган бадий публицистикаси Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатларидан баҳс этади. Одатда тарихий асарларда бир-бири билан қирғинбарот уруш олиб бораётган икки давлат ҳақида сўз борса-да, ундан жабр кўрган бошқа халқларнинг иштироки ва йўқотишлари ҳақида лом-мим дейилмайди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушига доир тарихномаларда бошқа халқлар қатори поляклар бошига тушган кўргуликлар ҳақида ҳам кам гапирилади. Виктор Костевич уруш йилларида бошқа халқлар қатори поляклар бошига тушган мусибатларни тилга олади. Поляк миллий маданиятида ҳарбий ва ватанпарварлик қўшиқлари қандай мавқега эгаллигига алоҳида аҳамият қаратади.

Хелен Филдингнинг учинчи романи

Таниқли инглиз адибаси ва сценарийнавис Хелен Филдинг 1958 йили Йоркшир графлигининг Морли шаҳарчасида туғилган. Оксфорд университети коллежида инглиз тили ва адабиёти бўйича таҳсил олиб, турли студияларда ижодий фаолиятини бошлаган. Кейинчалик ҳар хил болаларбоп ва кўнғилолар телешоуларга продюсерлик қилган. 1990-1999 йилларда Лондондаги бир қанча машҳур газеталар муҳбири бўлган. Унинг энг машҳур “Брижит Жонснинг кундалиги” асари дастлаб 1995 йили “The Independent” газетасида муаллифи номаълум асар устунида босила бошлаган. “Кундалик” шов-шув билан ўқилган, Хелен Филдинг 1996 йили уни роман сифатида чоп этади. Уч йил ўтиб, “Брижит Жонс: идрок чегараси” деб аталган иккинчи китоб ҳам чиқади. Кейинчалик улар асосида филмлар суратга олинган.

Ниҳоят, дилбар малласос Брижит Жонс кундаликлариининг учинчи китоби ҳам